НУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

УНУТИЛГАН ҲУДУД

Вакилнинг вазифаси "шаҳарча"га фақатгина туман обод-онлаштиришига қарашли машиналарнигина ўтказиш экан. Агар бегона ахлат тўкувчилар пайдо бўлиб қолса, зудлик билан уларни тўхтатиши лозим экан... Хўш, бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Мавжуд вазият аҳоли яшаш ҳудудига чиқинди келтириб тўкишга туман обод-онлаштириш идораси рухсат бериб қўйгандай таассурот қолдиради, холос...

2-бет

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИ «ҚУЛАТГАН» МАХФИЙ ЁЗУВЛАР

Леонид Кучьма буйруғи билан махсус хизматлар томонидан амалдаги ҳукуматга мухолифатда бўлган журналист — Георгий Гонгадзени йўқ қилиниши Украинада катта сиёсий инқироз бошланишига олиб келди. Ва, айтиш керакки, Леонид Кучьманинг мажбурий истеъфосига кўп жиҳатдан ана шу махфий ёзувлар сабаб бўлди.

3-бет

ЯШАШ ҲИКМАТИ

Оила шарафи бўлинмайди, — деб ёзади домла «Ҳаётий ҳикматлари»да. – Эркак гуноҳи аёлни қаритади, аёл гуноҳи эса эркакнинг обрўсини тўкади. Хотин-эркакнинг иззати бўлса, эркак хотиннинг қисматидир». Баъзи ҳикматлари эса мақол бўлгудек: «Гавҳар қадрин кўр билмас, Инсон қадрин гўр билмас».

4-бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 42 (504) 2006-yil 18-oktabr

«HURRIYAT»га 2007 йил учун обуна бошланди!

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Тадбир

Айни пайтда шундай бир даврда яшаяпмизки, муайян бир нарсани муҳофаза қилиш, чегаралаш ёки тақиқлаб қўйиш жуда ҳам мушкул. Токи миллатлар, элатлар яшар экан уларнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари у ёки бу даражада сақланиб қолади. Лекин телекоммуникациялар ривожланган ҳозирги даврда ана шундай ранг-баранг маданиятлар — миллий қадриятларга бошқа мамлакатларда аллақачон шаклланиб улгурган, инсонийликка ёт, фаҳш ва залолатга ундовчи, "замонавийлик" ниқоби остида яшириниган енгил-елпи ҳолатлар ҳам таъсир этмасдан қолмайди.

ҚАДРИЯТЛАР

Жаҳонда ва бизда. Уларнинг узвийлиги ва бир-бирига таъсири

Тўғри, четдан кириб келаётган ҳамма одатларни ҳам ёппасига зарарли деб бўлмайди. Лекин инсон, айниқса, ёшлар табиати енгилликка мойил бўлгани учун ташқи таъсирларни ўнгу сўлига қарамасдан қабул қилиш ва улар шу ерда мустаҳкам ўрнашиб қолиш хавфи ортса ортмоқдаки, камайгани йўқ. Биз умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиламиз ва уларни бажонидил қабул қилишга тайёрмиз. Лекин ташқи ёмон таъсирларга ҳам бефарқ эмасмиз ва бефарқ бўлмаслигимиз керак. Бундай ташқи ёмон таъсирларнинг кириб келишини биринчи ва асосий воситаси телекоммуникация тармоқлари бўлса, яна бир муҳим омил нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)дир. Тўғри, ННТларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ва ўрнини инкор этиб бўлмайди. Лекин четдан кириб келаётган ҳамма ННТларини ҳам мамлакат, айниқса, миллий ва диний қадриятларимиз учун фойдали деб бўлмайди. Биз ана шундан эҳтиёт бўлишимиз керак...

Пойтахтимиздаги "Марказий" меҳмонхонада Республика Маънавият тарғибот маркази, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти иштирокида ташкил этилган "Жамоатчилик секторида демократик ислоҳотлар: умуминсоний ва миллий қадриятлар" мавзусидаги давра суҳбатида асосан ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилди. Музокараларда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ННТларнинг ўрни, жамоатчилик секторида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда инсоннинг ўрни ва мавқеи, умуминсоний ва миллий қадриятлар: мутаносиблик ёки тенглик, миллий ва маънавий қадриятларнинг сақланишида замонавий жаҳон тамаддуни ва маданияти билан уйғунлик зарурати, комил инсон: уни қандай тасаввур қиламиз каби мавзу ва саволларга жавоб изланди. Қатор таклиф-мулоҳазалар билдирилди, баҳс –мунозаралар бўлди.

МУХБИРИМИЗ

Жараён

МИЛЛАТ РАВНАҚИ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами арафасида Юртбошимиз элу юрт манфаатлари собитлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида яна муҳим бир қарорга имзо чекдики, бу барчамизнинг ҳар қачон узоқни кўзлаб, буюк келажагимизга юксак ишонч билан иш тутишимизга, долзарб муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган. "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори Мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш, ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш каби долзарб масалаларга қаратилгандир. Уларни ҳал қилишда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ташкил этилди ва улар зиммасига ҳаётий муаммоларга ҳар томонлама чуқур таҳлил қилган ҳолда ёндашиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш ва бунда самарали воситалардан унумли фойдаланиш лозимлиги қайд этилган.

Миллат келажаги, юрт ободлиги ва дорулломон ҳаёт барқарорлигида, келажак олдида барча, зиёлилар ва ижодкорлар, матбуот соҳаси вакилларининг масъулияти юксак. Ҳаётни, юз бераётган ўзгаришларни теран мушоҳада этиш, аввало уларга чуқур кириб бориш, ижтимоий сўровлар суҳбат ва бошқа воситалар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ютуқ ва муаммоларни ўз вақтида тушунтириш жамиятни якдиллик ва баҳамжиҳатлик сари етаклайди. Бунда аҳоли турли қатламларига мос усулларни қўллаш, бошимиздан кечираётган жараёнларга аввало ўзимиз муносиб баҳо бериб, улар моҳиятини оммага етказишимиз лозим. Шуни унутмаслигимиз керакки, воқеа-ҳодисотларга нисбатан бетараф бўлиш, уларни нотўғри талқин қилиш ёки уларга нисбатан сукут сақлаш, четлаб ўтиш одамларда иккиланиш, ишончсизликни кучайтиради.

Кўп йиллар давомида янгилик, демократик, замонавий, фойдали, "қойил қолса арзийди", чиройли... каби тамғалар остида асл мазмун моҳияти билан халқимиз маънавиятига, урф-одатларимизга ёт кўплаб тушунчалар кириб келди ва кириб келмоқда. Ёшлар хулқ-атворида юз кўрсатаётган айрим салбий кўринишлар ўз вақтида тарғибот-ташвиқот ишларига кўп аҳамият берилмаганининг оқибати десак бўлади. Бугунги кунда таомилдаги замона вакили дея ўзини ҳар қўйга солиб, ўзгача, ғайритабиий одатларни касб қилаётганлар орасида, айниқса, ёшлар кўплаб учрамоқда. Ҳамма нарсадан бойлик устун, эркинлик – истаганни қилиш, бачаналик, бетгачопарлик деб ҳисоблаётганлар тез-тез учраётгани сир эмас. Соғ у элнинг, соғ бу элнинг киносини кўриб, ҳаётда уларнинг қаҳрамонларига ўхшашга ҳаракат қилиб, "ўзга боғнинг ширин олмаси"га маҳлиё бўлаётганлар ҳам топилади. Булар ҳеч қачон миллийлигимиз, ўзлигимиз юксалишига соя солмаслиги лозим. Ҳеч замонда ўзбек қизи куппа-кундузи кўча-кўйда таниш йигит билан шунчаки ўпишиб кўришганини, ўзга юртларда урф бўлган ярим ялангоч тунги либосларни кийиб юриши, йигитларимизнинг маҳаллалар, ҳатто азиз авлиёларимиз қадамжоларида калта иштонда ялтоқланиб юриши, икки сўзининг бирида "Вау, вав!", "Ес, ес!", "Окей!" дея қичқириши бугунги кундагичалик авж олмаган. Қай замона алломишлари турмакланган соч, бўйинда ялтироқ мунчоқ, пешонада дурра, қулоқда сирға, баданида турфа нақшу тўғноғичлар тақиб юришни ўзига эп кўрган. Аҳолида саводхонлик даражасининг пасайишини она тилимиз – Давлат тилига эътибор сусайгани билан изоҳлаш ўринли.

Турли корхона ва ташкилотлар ҳужжатлаштириш ишларидаги эътиборсизликлар, лотин имлосини қўллашнинг амалий жараёнларидаги хатоликлар, эски тузумдан қолган атамалар, номланишлар, чаласаводларча битилган пешлавҳалар, эълонлар, кўрсаткичларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Масалан, Навоий шаҳридаги маданият саройи биноси вилоят телевидениелари кўрсатувларида тез-тез намойиш қилиниб, кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилиб турилади.

Ушбу бино устига ўрнатилган "ФАРҲАД" ёзувини 15 йилдирки, ҳеч бўлмаса "ФАРҲОД" деб тўғрилаб қўйишга ҳеч ким ҳафсала қилмаётгани ажабланарли. Наҳотки, иккита ҳарфни ўзгартириш шунчалик мушкул? Бу билан саводсизлик ва эътиборсизлик тарғиб этилмаяптими? Ушбу саройда уч-тўртта қўшиқни хиргойи қилиб, ҳали элга тузукроқ танилиб улгурмаган ўспиринниng "Мен бу аудиторияни тан олмайман, чет элга чиқаман, мени Украинада, Россияда, Белоруссияда тушунишади", дейишига нима дейсиз? Отанг кимчи, онанг кимчи... Хатоликларнинг йиллар давомида ўзгартирилмаслиги, айниқса, ёшлар онгида хато қилиш мумкин, шундай бўлиши керак деган тушунчаларни уйғотиши турган гап. Шаҳардаги кўпқаватли бинолар ва бошқа жойларга ўрнатилган "NAVAI", "ИБОДАТ ХОНА" "JURABEK", "ШАБОДА", "ШУРБО", каби "чаласаводлик намуналари"ни қайта-қайта ҳижжалаб, ҳайрон бўлаётган болакайлар онгида қандай саволлар туғилиши мумкин. Шаҳар бўйлаб айланиб, фақат марказий кўчалар атрофидагина, қисқа вақтда ўнлаб қўпол хатоликлар билан битилган атамалар, ёзувларни ўқийсиз. Турли тилдаги сўзлардан яралган "айқаш-уйқаш" матнли қўшиқлар пайдо бўлиб, кундан кунга урф бўлаётгани, маънавиятимиз сарчашмалари бўлмиш мумтоз адабиёт, мақомлар, бахшичилик ҳаётимиздан кундан кунга йироқлашаётгани каби ҳолатлар миллат келажаги борасида жиддий ўйлаб кўришимизни тақозо этмайдими? Ёшларга, айрим ҳолларда катта ёшдагиларга ҳам яхшию ёмон, ижобий ва салбий сингари тушунчаларни тез-тез эслатиб туриш ҳам бугунги ахборот асрида ортиқчалик қилмайди. Ҳар бир халқнинг урф-одатлари, анъаналари барқарёрлигида яшаш муҳити, табиий-географик ўрни, об-ҳавоси, иқлими муҳим бўлгани сингари, унинг мукаммал равнақи, тараққиётида олиму фозиллар, халқ донишмандлари ўй-қарашлари ҳам ғоят зарур. Турли тажовузларга нисбатан муросасиз, эътиқодли, фидойи ва ватанпарвар шахсларни тарбиялаш устувор миллий ғояларимиздан бири бўлиб қолади.

Тарғибот ишлари таъсирчанлигини оширишда муҳим омиллардан бири аввало келажак одами — комил инсон тушунчасига миллий илдизларимиз, динимиз, тарихий шахслар, ота-она, оила, маҳалла, миллий ғурур, урф-одатлар, қадриятлар, фахрга арзигулик жиҳатларимизнинг ҳаётийлигини таъминлаш, оддийгина кундалик турмуш тарзимиздан келиб чиқмоқ ўринли. Ахборот технологиялари қанчалик ривожланиб, ҳаётимизга чуқур кирмасин одоб-ахлоқ тарбияси, воқеа ҳодисаларни мушоҳада этиб, тўғри хулоса чиқаришда китобнинг ўрни беқиёс. Бироқ, минг афсуски, моддий фаровон, уддабурро раҳбарлар орасида китоб ўқийдиганлар, ўз қўли билан бир варақ матнни бехато ёзадиган, бирор адабий қаҳрамонни қўл остидагиларга ўрнак қилиб кўрсата оладиганлари, шундай қаҳрамонлар ёки жараёнлар ҳақида ҳаётий, қизиқарли асарлар ёзаётганларни ҳам, афсуски, кўп деб бўлмайди. Бу ишларда олд сафларда туриши керак бўлган ижод аҳли фаолиятига жойларда эътибор суст. Бировлар номидан мақолалар тайёрлаш, ҳатто китоблар чиқариш, ўзгалар ижод намуналарини сотиб олиб, ўз номидан эълон қилиш, ясама ҳис-туйғулар, маддоҳликнинг адабиётшунослар томонидан таҳлилу танқид қилинмаётгани ҳам сохтагарчиликнинг ўрчиётганига сабаб бўлмаяптимикин?

Шу юртда улғайиб, барча имкониятлардан баҳраманд бўлиб, эришган моддий ва маънавий ютуқларини, камолот, балоғат ва гўзалликни Ғарбга, океан ортига ёки иссиқ ўлкаларга (масалан Дубай бозорларига) олиб кетишни орзу қилмай, ўзи ва фарзандлари ҳаётини шу юрт, шу эл тақдири билан боғлаган инсонларга энг яқин кишиларимиз қаторида эҳтиром кўрсатмоғимиз юксак онг ва маданият соҳиблари сифатидаги фуқаролик бурчимиздир.

Юрт эгалари сифатида эртанги кунимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этмоқни келгуси авлодга ҳам ўргатмоқ, тарғиб қилмоқ вақтидир. Халқнинг асл фарзандлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи турли асарлар, фильмлар, сериаллар яратилмоғи, ўзга давлатларнинг юзлаб қисмлардан иборат видеофильмларидан чарчаган онгу рўзимизни ўз маданиятимиз хазинаси жавоҳирлари билан безамоқ вақти аллақачон келган.

Бахтиёр ТЕМУР

Муносабат

Ш. Тўлагановнинг "Кийимларимиз ўзгариб кетяпти..." *(2006 йил 11 октябрь)* мақоласини ўқиб

АЁЛ АЁЛ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Аллоҳ таоло инсонни жуфт-жуфт қилиб яратиши ажиб бир ҳикматдир. Жуфтликдан муҳаббат яралди. Муҳаббатдан қалб яралди. Агар жуфтлик бўлмаганида на қалб бўларди ва на муҳаббат! Худди шунингдек инсон ўз жуфтидан ажраб туриши учун кийимни кашф этди. Жуфтлик бўлмаганида кийим ҳам бўлмасди, балки.

Кийимнинг биринчи вазифаси танани ёпиш бўлса, иккинчиси қарама-қарши жуфтдан ажралиб туришдир. Ибтидода кийимлар ҳам оддий эди... Кейинчалик инсон кибрни кашф этди. Шунинг билан кийимлар ҳам ўзгара борди. Аста-секин либоснинг функцияси алмашди. Энди одамлар модага қараб (эҳтиёжга қараб эмас) кийина бошладилар. Ҳар хил либослар пайдо бўлди. Миллатлар, халқлар ўз кийимларини танладилар. Кимдир узун, кимдир кенг, кимдир тор, яна кимдир ...

Африкада бир қабила бор экан. Уларнинг "маданияти"да кийиниш деган тушунча йўқ экан: қип-яланғоч жамият... Бу фактни бекорга келтирганим йўқ. Негадир тараққий этган давлатларнинг "ақлли" жамоалари ўша Африкадаги қариндошлари "маданиятлари"га тобора эргашмоқдалар.

Яқинда Австралияда яна ўша қип-яланғочлар намойиши бўлиб ўтибди. Улар кўчаларда ҳам шундай юришни тарғиб қилишибди. Яхшиям полициячилар бор экан. Бўлмаса нима воқеалар рўй бериб кетарди...

Ғарб жамиятларида кийим танани ёпиш воситаси эмас, намойиш этиш воситаси бўлиб бормоқда. Инсон истаганини амалга оширяпти. У жуда кўп нарсаларни хоҳлаяпти. Энди савол туғилади: эркак эркакни, аёл аёлни хоҳлаётган жамиятлар учун кийимнинг нечоғли аҳамияти бор экан?

Оддийдек туюладиган бу муаммони француз олими **Жан Мартин** деган олим шундай изоҳлайди:

"Агар Европада шунақа ҳолат давом этаверса, яқин йиллар ичида Ғарб жуда катта маънавий бўҳронга учрайди. Европа эркаклари ва аёллари бир-биридан тўйиб бўлди. Кўча-кўйда ҳам матбуот-журналлар, телевидениеда яланғоч аёл ва эркаклар бижғиб ётибди. Кўчаларда беҳаё кийинган аёллар ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди.

Эркаклар потенциали айнан шу аёллар ҳаракатлари орқали сусайиб бормоқда. Бунга Европа жамиятларидаги аҳоли кўпайишининг камайиб бораётгани мисол бўлади. Мана мисол учун, дунёдаги энг совуқмижоз германиялик оилаларнинг 3/4 қисми фарзандсиз ўтмоқда. Бу ҳолатни бошқа давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Энди эркак аёлдан, аёл эркакдан тўйгандан сўнг ўз жинсига нисбатан қизиқиш ортмоқдаки, бундай бесоқолбоз ва лезбиан жамиятлари тобора кўпайиб, ўз ташкилотлари, қонуний ҳимояларига эга бўлмоқдалар. Албатта, инсон ҳуқуқлари ҳамма нарсада устун. Лекин маънавий қадриятларимиз топталишида инсон ҳуқуқларининг баъзи бандлари четга сурилса яхши бўларди.

Ҳозирда Европа эркакларининг камида 20 фоизи импотентдир. Мен бунга сабаб қилиб, беҳаё кийинган аёлларни кўрсатаман. Мен христианман. Лекин бу борада мусулмонлар анъаналарини ҳурмат қиламан. Чунки мусулмон жамиятларида кийиниш, айниқса, аёллар кийинишлари яхши тартибга туширилган. Шунинг учун ҳам мусулмон жамиятларида аҳоли кўпайиши кучли, саломатлик даражаси ҳам нормал даражада.

Гарчи инсон ҳуқуқларига тўғри келмаса-да, кийинишни тартибга тушириш керак. Шундагина Европа тарихдаги муваффақиятларига яна эришади".

Ғарблик олимнинг фикрлари билан танишдингиз. Бу ҳолат Франциядан бошқа давлатларда ҳам кузатилади. Бир йил олдин, Англияда эркаклар намойишга чиқишди. Уларнинг талаблари аёлларнинг либослари билан боғлиқ эди. Ҳатто намойишчилар эркак ва аёлларнинг алоҳида транспорти бўлишини ҳам талаб қилдилар.

Чет-элни таҳлил қилиб чиқдик. Хўш Ўзбекистонда ҳам бу муаммо мавжудми? Бу ҳақдаги фикрларни ўрганишга ҳаракат қилдик:

Шоҳида, 24 ёш:

— Тенгдошларим менга ҳам нега шим киймайсан, дейишади. Мен эса: аёл аёл каби бўлмоғи лозим деб айтаман.

Фаррух, 20 ёш:

— Қизларнинг ҳозиргидек кийинишларига қарши эмасман, уларга қараб завқ оламан. Ўзбекларнинг бошқа миллат қизларидан нима ками бор? Улар ҳам "модний" кийинсалар бошқаларни ортда қолдирадилар.

Абдуғани, 37 ёш:

— Қизларнинг ҳозирги шим, миниюбка, тор кийимлар кийишига қаршиман. Лекин... мен ҳам 5-синфда ўқиётган қизимга шим сотиб олиб бердим. Бунга эса қуйидаги воқеа сабаб бўлди: бир куни қизим мактабдан йиғлаб келди. Нима бўлди деб сўрасам, дугоналари "Аданг сенга шим олиб берса бўмийдими, пули йўқми? Мана мани адамлар шунча шим олиб берганлар", дейишибди. Шундан сўнг мажбур бўлдим. Мен бу муаммонинг келиб чиқишига ота-оналар сабабчи деб биламан.

Абдулфаттоҳ, 21 ёш:

— Бу фақат аёллар муаммоси эмас. Йигитларимизнинг ҳам баъзи кийимлари ахлоққа тўғри келмайди. Қизларимиз эса баҳор келиши билан жуда "очилиб" кетишади. Баданга жуда ёпишиб, тананинг энг нозик аъзоларигача шундоқ билиниб турадиган кийимларни, афсус, ўзбек қизларимизда ҳам кўриб турамиз. Аввалари фақат фоҳиша аёллар шундай кийинишарди... Ҳозир эса...

Фикрлар билан танишдингиз. Бу мавзу ҳақида ёзилган бошқа мақолалардан иқтибос келтирамиз:

"Ҳидоят" журнали, 2003-йил. "Гуноҳлар йўлини тўсайлик" мақоласидан. Муаллиф — **Зиёуддин Раҳимов:**

— Аёллар тор, юпқа, калта ва ҳарир нарсаларни кийганларида энг нозик, номаҳрамдан пана бўлиши керак аъзоларигача шундоқ билиниб туради. Бу билан ўзлари гуноҳ қилганлари ҳолда бошқаларни ҳам гуноҳга ботиряптилар. Қолаверса, бундай кийиниш соғликлари учун ҳам кони зарар, туғилажак фарзандлар учун ҳам хавфли. Бунга аёлларнинг ўзларигина эмас, эркакларимиз ҳам айбдордир. Ахир шундай шармандали ва беҳаё кийиниб кўчага чиққан қиз, аёллар қайси биримизнинг опамиз, синглимиз, қизимиз, хотинимиз эмасми?

Tribune-uz.info мустақил интернет нашри. "Шимсиз қолган эркаклар" мақоласидан. Муаллиф: **Нурулло Остонов:**

— Кўча-кўйда нега эркаклар ерга қараб юрадиган бўлиб қолди? Бу ҳаммаси мода туфайли. Кўзингни кўтаришинг билан майкаси киндигидан кўтарилиб, шимининг таранглигидан ҳамма жойи билиниб турган дўндиқчага беихтиёр қарашга тўғри келади. Яна ерга қараб ёнидан ўтиб кетаётганингда модапараст мода майкасини киндигига қараб икки марта тортиб ҳам қўяди... Илгари стриптиз кўриш учун одамлар махсус ресторанларга киришарди. Энди бунга ҳожат ҳам бўлмай қолди. Кўчага чиқсанг бас, стриптиз!

Islam.uz интернет нашрига берилган саволга сайт муҳаррири **Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** шундай жавоб берадилар:

— Кийинишда умумий қилиб айтадиган нарса шуки, бошқа бегона кишиларга кўриниши имкони бўлган вақтида муслима аёллар юзларини ва қўлларини, яъни кафтларини очиб юришга рухсат берилган. Энди кийимга келсак, бундай кийимлар чиройли, саришта бўлиши ниҳоятда яхши бўлади. Лекин чегара шуки, баданнинг тўсилиши лозим бўлган жойларга кийиладиган кийим, биринчидан, ўта юпқа бўлиб кийим тагидаги баданнинг кўринишига сабаб бўлмаслиги керак. Иккинчидан ана шу кийим ўта тор бўлиб тананинг шаклини кўрсатадиган бўлмаслик керак. Асосий шартлар шу, аврат ҳисобланган жойларни тўсиб туриши керак. Шу билан бирга уламоларимиз айтадики, "жуда ола-була бўлиб эътиборни тортадиган ҳолда бўлмаслиги ҳам одобдан бўлади", дейдилар. Бу кўчага чиққанда кийиладиган кийимнинг васфи бўлди. Уй ичида, маҳрамларини олдида бундай кийиниш шарт эмас. Шимга келсак, бу торлиги учун баданни васф қилгани учун тўғри келмайди ва шариатга мувофиқ эмас. Лекин уйда ва кийимини остидан кийса, аёллар учун тикилган шим бўлса бўлади, дейишган уламоларимиз.

Кийиниш билан боғлиқ бўлган муаммоларимизнинг ўзи бир қанча экан. Жамиятимизда ахлоқ-одобни яна-да мустаҳкамлаш йўлида, албатта, бу муаммони ҳам ислоҳ қилиш даркор. Бу борада яна ўша миллий анъаналаримизга қайтсак яхши иш бўларди.

Хулоса чиқариш эса сиздан.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Адабиёт муаллими, шоир Шапатий шеърий топишмоқ айтади ва кўзойнагини бироз қаншарига тушириб, болаларга савол назари билан тикилади. Болалар эса, ҳар банд шеърга жўр бўлиб жавоб беришади.

Савол:
Бош бўлса-да тепакал,
Мозийни билар сал-пал?
Жавоб:
Тарихчи домла!
Савол:
Ичма дейди, ичади,
Чекма дейди, чекади!
Жавоб:
Физкультура ўқитувчимиз!
Савол:
Калта юбка, дўмбалоқ,
Қўзу қоши момоталоқ?
Жавоб:
"Одобнома" аямиз!
Савол:
Расм дафтар озорда.
Ўзи эса бозорда?
Жавоб:
Расм домла!
Савол:
Муаллимга ўхшамас,
Мажлислардан бўшамас?
Жавоб:
Директор!
Савол:
"Ремонт"га пул сўрайди.
Ярмисини... ўрайди?
Жавоб: **Завуч!**
Савол:
Шеърининг ҳеч тузи йўқ,
Элга айтар сўзи йўқ?
Жавоб: **Сиз!**
Шапатий: **Танаффус!**

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Танқид

УНУТИЛГАН ҲУДУД

Чиқинди "шаҳарчаси" оралаб мактабга қатнаётган ўқувчилар саломатлиги учун ким жавоб беради?..

Уюм-уюм ахлат ва чиқиндилар тўпланавериб улкан тоғ ҳосил бўлган бу жой пойтахти азим Тошкентда жойлашганига ишонгинг келмайди киши. Агар кимдир Тошкентда чиқинди билан боғлиқ жиддий муаммо бор деса, бу гапни айтган одамни ёлғончиликда айблаб ёқасидан олишимиз тайин. Мазкур муаммони бартараф этиш борасида пойтахт бошқа ҳудудлардан анча илгарилаб кетгани ҳам бор гап. Бироқ Собир Раҳимов туманига қарашли Аҳмад Яссавий ва "Ёшлик" маҳаллалари туташган ҳудуддаги хунук манзара ана шу ижобий фикрни ўзгартириб юбораёзди.

Номи зикр этилган маҳаллалар Собир Раҳимов туманидаги аҳоли зич ҳудудлардан. Бироқ пойтахтимиз дарвозаларидан бўлган мазкур маскан бир неча йилдирки, ахлатхонага айланиб қолган. Хонадоннинг сариштали эканини энг аввал унинг остонасидан билиш мумкин. Бироқ Аҳмад Яссавий маҳалласининг турар-жой ҳудудларида ҳам сизни ахлат дўнгликлари қарши олади. Чиқинди ташлаш учун махсус жой ажратилган бўлишига қарамасдан йўлларда ҳам бетартиб ташлаб кетилган ахлатларни кўриш мумкин.

Йўл ёқалаб Олимпия массиви томон юрар экансиз, дастлабки нохуш манзара навбатдагиси олдида ҳеч нарса эмаслигига амин бўласиз. Олимпия массивидан Бешқўрғон томон оқаётган катта ариқ ёқалаб кета кетгунча чиқинди уюмлари...

Уй-жой қурилиши борасида мутахассис эмасмиз. Лекин охири кўринмаётган ахлат масканини кузатиб хаёлдан бир фикр ўтди. Мамлакатимизда, хусусан, пойтахтда аҳоли истиқомат қилиши учун ер тақчиллиги масаласи мавжудлигини яхши биламиз. Бизнингча, мана шу катта ҳудудни ҳам чиқиндидан тозалаш, ораста ҳолга келтириш мавриди келди. Ана шунда ҳеч бўлмаганда, 20-30 хонадон уй-жойли бўлармиди... Шу билан бирга дўнгликлар орасида бетартиб равишда қуриб ташланган гаражларни ҳам замонавий архитектура талаблари асосида тартибга келтириш зарурга ўхшайди.

Ариқ бўйлаб илгарилаган сари бундан-да дилхира манзаралар сизни қарши олади. Бу ёғи Олимпия массиви, бу ёғи Тансиқбоев, бу ёғи эса профессорлар шаҳарчаси ўртасидаги ҳудуд ҳақиқий чиқинди шаҳарчасига айланган. Тўп-тўп ахлатлар, хазонлар кун бўйи тутаб ётади. Шундоққина аҳоли яшаш ҳудудида бу қадар улкан ахлат тоғи қандай пайдо бўлиб қолганига ақл бовар қилмайди.

Ошиғига қадар чиққан қум чангида шошапиша келаётган отахонни бир лаҳза саволга тутдик. Номини ошкор қилишни истамаган отахон куюнчаклик билан аслида чиқиндилар тўлалигича шаҳар ташқарисига олиб борилиши зарурлигини айтди: "Мана шу ахлатларнинг ҳаммаси Олмаликдаги махсус жойга олиб бориб тўкилиши керак. Бироқ кўриб турибсизки, ҳамма чиқит йўл-йўлакка ташлаб кетилаверади". Суҳбатдошимиз калаванинг бир учини топиб бергандай бўлди: шундоққина шаҳарнинг ўзида беминнат "свалка" турганда, 70-80 км жойга ёқилғи сарфлаб, атайин чиқинди ташлагани бориш фойда эмаслигини билиш учун Афлотун бўлиш шарт эмас...



Отахондан маҳалла раҳбарияти муаммони бартараф этиш учун чора-тадбир кўрмаяптими деб сўраганимизда, суҳбатдошимизнинг бироз жаҳли чиққандай бўлди. Мусоҳибимизнинг айтишича, ҳудуд масъулларидан бири бўлган Аҳмад Яссавий маҳалласи раиси Шоира Тўлаганова ўзлари шифокор эканлар. Бошқаларни билмадик. Лекин наҳотки мутахассисликлари тиббиёт ходими бўлган маҳалла раисаси ҳудуддаги чиқиндилар аҳоли саломатлигига қанчалик оғир салбий таъсир кўрсатишини билмасалар?..

Ахлат тепалар оралаб келаётган яна бир йўловчини аста тўхтатдик. Шу ерлик аҳолига кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган почтачи опа Гулжан Қурбанова дастлаб журналистлигимизни эшитиб бироз ҳадиксирагандай бўлди. Бироқ ўрганилаётган масаладан бохабар бўлди-ю, кўзлари чақнаб кетди ва бор дардини тўкиб солди: "Бу маҳалла аҳлини кўпдан бери қийнаётган муаммо. Мана шу территория бутун шаҳарнинг ахлатхонасига айланиб қолган. Бу ердан кунда-кунора неча маротаба ўтаман. Ҳар куни машина-машина ахлат келтиришади. Ҳозир ҳам кунига камида 10-12 та трактор ё самосвал келяпти. Ишонмасангиз, ўзингиз бир кузатиб кўринг".

Афсуски... машина-машина ахлат келтирилаётгани ҳақида гапирган почтачи опа ҳақ бўлиб чиқди. Ҳали кун найза бўйи бўлмасдан туриб биринчи трактор қораси кўринди. Ҳайдовчи йигит ҳар куни қатнайвериб йўлни беш қўлдай билиб олган шекилли, келтирган ахлатини тез ва хотиржам майдонга тўкди ҳамда чиқинди орасидаги хазонларга ўт қўйиб юборди. Ахлатнинг димоғни ёргудай нохуш ҳидига қуруқ баргларнинг ачқимтир иси қўшилди.

Тракторни суратга тушираётганимизни кўриб, ҳайдовчи йигит: "Суратга оляпсизми? Бемалол, олаверинг. Кўплар чиранишди. Лекин ҳеч ким бир иш чиқаролмади", — деди заҳарханда кулиб. Аҳоли яшаш ҳудудига оз эмас, бир машина ахлат тўкиб, боз устига, келтирган хазонига ўт қўйиб, яна ҳеч нарса бўлмагандай ўз ишини ғолибона маъқуллаб турган ҳайдовчининг қатъияти бизни ҳайрон қолдирди. 35 рақамли трактор ҳайдовчиси ўзини Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш бўлимида ишлаши, ахлатни бу ерга келтириб тўкишга бошлиқлар рухсат берганини айтди. Ҳайдовчи йигитни муросага чақириш мақсадида ҳозиргина йўловчи отахондан эшитган гапни такрорладик: аслида ахлат шаҳар ташқарисига олиб чиқилиши керак, шекилли... "Бўлиши мумкин, лекин шаҳар ташқарисига чиқиш учун солярка берасизми?" Оёқ-қўли енгил ҳайдовчига ахлатни белгиланган жойга етказиш учун ёқилғи бериш журналистнинг мажбурияти эмаслиги, бундан ташқари, аҳоли яшаш ҳудудига яқин жойга ахлат тўкиш, хусусан, хазонларни ёқиш ман этилганини айтишга улгурмадик. Афтидан, у кейинги "партия"ни келтириш учун шошиб жўнаб қолди...

Бу ҳолат кун давомида бир неча марта такрорланди. Дарвоқе, ҳар сафар ҳайдовчиларнинг ахлат тўкиб кетишларини бир аёл назорат қилиб тургани гувоҳи бўлдик. Ўзини таништиришга истиҳолами, қўрқувми тўсқинлик қилган опахон Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш бўлимидан қўйилган вакил эканлар. Вакилнинг вазифаси "шаҳарча"га фақатгина туман ободонлаштиришга қарашли машиналарнигина ўтказиш экан. Агар бегона ахлат тўкувчилар пайдо бўлиб қолса, зудлик билан уларни тўхтатиши лозим экан... Хўш, бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Мавжуд вазият аҳоли яшаш ҳудудига чиқинди келтириб тўкишга туман ободонлаштириш идораси рухсат бериб қўйгандай таассурот қолдиради, холос...

Мункиллаган мўйсафиду папка кўтарган ўқувчилар, рўзғор ташвишида юрган эркаклару бирор юмуш билан кўчага чиққан бекалар, хуллас, ёшу қари кун давомида ахлат уюмлари орасидан неча бор ўтишга мажбур. Ана шу манзарани кўриб беихтиёр савол пайдо бўлади: ахлат уюмлари оралаб мактабга қатнаётган ўқувчилар саломатлигига ким жавоб беради?..

Энг хавотирлиси, ахлат тоғининг шундоққина қаршисида 278-мактаб қад рослаган. Шунингдек, 106-заиф эшитувчилар интернати, 102-ақли заифлар интернати, 1- ва 2- мураввat уйлари ҳам "шаҳарча"га девордармиён жойлашган. Хуллас, чиқинди "шаҳарчаси"нинг атроф-жавониби таълим масканлари билан "иҳоталанган".

950 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 278-мактаб, очиғи, жуда нобоп шароитда жойлашган. Мактабнинг олд томони ҳақида кўп гапириш шарт эмас: ҳалитдан буён "таъриф-тавсиф" қилинаётган "шаҳарча" 278-макбатнинг пешонасида қаққайиб турибди. Орқа томонда ҳам аҳвол мақтангулик эмас. Ўқувчи аҳли профессорлар яшайдиган маҳалла чегарасидаги чиқинди қолдиқларини босиб келишга маҳкум. Мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари Нуриниса Юнусова биз билан суҳбатда ўқувчиларнинг соғлиғидан тўзон, қиш қаҳратонида эса лой кечиб мактабга қатнаётган болаларнинг аҳволига наҳотки бефарқ бўлсак?! Каламушлар изғиб юрган ахлат уюмлари орасидан ўқишга қатнаётган болаларидан, табиийки, ота-оналар ҳам хотиржам эмаслар".

Директор ўринбосарининг айтишича, яқинда тозалик ва санитария ҳолатига масъул бўлган идора мактаб маъмуриятини жаримага тортиб кетибди. Таълим маскани ҳудудидаги санитария талабига зид ҳолатни ўз вақтида фош қилиб айбдорлар жазолангани касбий жасоратдир балки. Бироқ ҳудудга машиналарда ботмонботмон чиқит келтираётган кимсаларни ким жазолайди? Ким уларга чора кўради?..

Ҳақиқатан ҳам, ана шу чиқинди "шаҳарча"си ўқувчиларнинг асосий йўли бўлиб қолган. Ахир, мактабга келиш учун бошқа йўл бўлмагач, ўқувчилар нима ҳам қилишсин! Қурилиш материалларидан тортиб маиший чиқиндининг туригача топиш мумкин бўлган масканнинг ҳавоси ҳақида кўп гапириш ортиқча. Гапнинг очиғи, салқин ва тоза хонада ўтираверіб чанг-тўзону ёқимсиз ислар ҳам бироз эсдан чиққан экан. Кузнинг салқин кунларида шунчалик бадбўй ҳид тарқалаётганини кўриб, шу ердан мунтазам ўқишга қантайдиган болаларнинг сабр-матонатига қойил қолади киши.

106-заиф эшитувчилар мактаб интернати "шаҳарча"нинг ёнгинасида жойлашган. Бу ерда эшитиш аъзоларида нуқсони бор 360 та ўғил-қиз таҳсил олади. Интернат директори Феруза Юлдашева ахлатхонадан келаётган бадбўй ҳиддан ҳам ёмонроқ пашша балоси ҳақида гапирди. Опанинг айтишларига қараганда, қўшни ҳудудга чиқинди келтирилиши билан саноқсиз микроб ташувчи ҳашаротлар пайдо бўлиб қолади. Яратганнинг балоси бўлган бу ҳашаротлар қандай даҳшатли вирусларни ташиб юриши маълум. Турли оғир касалликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган микроблар ногирон болаларга дахл қилмайди деб бирорта мард кафолат бера олармикин?..

Дарвоқе, 106-интернат директори яқиндагина рўй берган яна бир нохуш воқеани айтиб берди. Ахлат тўкиш учун келган юк машиналаридан бири мактаб деворини ағдариб кетибди. Заиф эшитувчи болалар ўқийдиган мактаб деворини йиқитиб кетган ноинсоф ким экани ҳозиргача топилмабди. Балки биринчи навбатда ана шу тартиббузарларни топиб жаримага солган маъқулдир...

320 нафар ногирон болалар таълим-тарбия олаётган 1-мурувват уйи ҳам экологик зарарли муҳитда жойлашган. Тўғриси, мана шундай нотоза муҳитда (балки ифлос дейиш тўғрироқдир) мурувват уйи фаолият юритаётганига ҳайрон қолади киши. Мурувват уйи раҳбари Татьяна Саидова нима масалада келганимизни эшитиб дастлаб бироз ҳафсаласи пир бўлгандай бўлди. Муаллима опанинг аҳволини суҳбатдан кейин тушунгандай бўлдик... Директорнинг айтишича, бу масалада улар мурожаат қилмаган идора қолмабди. Ҳокимият дейсизми, ободонлаштириш идорасими, санэпидемиология марказими, хуллас, қаерга арз қилинган бўлса, бирор ижобий натижа бўлмабди. Мурувват уйидан чиқаётганимизда, яна бир багажи тўла юк машинаси тезлик билан ўтиб кетди. Орадан кўп ўтмай, осмонга чанг-тўзон ўралади...

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш масаласига умумдавлат аҳамиятига молик масала сифатида катта эътибор бераётгани сир эмас. Биргина "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинган 2005 йилда мамлакатимиз миқёсида аҳоли саломатлигини сақлаш борасида жуда катта ишлар қилинди. Ўнлаб янги шифо масканлари бунёд этилди, тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида амалий чора-тадбирлар кўрилди. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб белгиланган жорий йилда ҳам аҳоли, хусусан, ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги хайрли тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Юртбошимизнинг: "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" деган сўзлари ҳаммамизнинг ёдимизда. Умуман, Президентимиз ҳар бир чиқишларида миллат келажагига дахлдор масала сифатида соғлиқни сақлаш борасида давлат ҳокимияти идораларига зарур кўрсатмалар бериши маълум.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аҳоли яшаш ҳудудида — шаҳар ичида ахлатхона бўлишига имкон бериб қўйган маҳалла раҳбарияти, санитария-эпидемиология ходимлари, туман ҳокимлиги вакиллари нега Президентимиз томонидан қўйилаётган талабларни бажармаяпти? Нима учун эртанги кунимиз — келажагимизга дахлдор муаммога етарли эътибор берилмаяпти?

Сир эмас, охирги йилларда юртимизда Президент бошчилигида шаҳарсозликни ривожлантириш борасида кувонарли ишлар қилинди — мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳар-қишлоқлари, хусусан, пойтахт Тошкент замонавий кўринишда қайтадан бунёд этилди. Энди холис баҳо беринг, азиз ўқувчи, пойтахт ҳудудида — минглаб инсонлар истиқоматгоҳи бўлган масканда охири кўринмас ахлат "шаҳарча"сининг бўлиши ҳукуматимизнинг бунёдкорлик борасидаги тадбирларига мос келармикин?..

Ҳудуддаги бундай катта муаммодан маҳалла раҳбарияти, туман ҳокимлиги бехабар бўлиши мумкин эмас. Бироқ негадир — арзимас масала бўлиб туйиляптими, мазкур муаммо кўпдан бери очиқ қолмоқда.

Ушбу мақоладан кейин мутасадди идора вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими масъуллари муаммони бартараф этиш борасида зарур чораларни кўрадилар, деган умиддамиз.

С. КАМОЛОВ,
"Hurriyat" мухбири

Ёднома

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ ҚАНДАЙ ВАФОТ ЭТГАН?

ёхуд халқ бахшисининг сўнгги кунлари ҳақида янги хотиралар

Ўтган XX асрда ҳам бири-биридан улкан салоҳиятли халқ оқинлари ижод майдонида пайдо бўлиб, ўзларидан бизга катта мерос қолдирдилар. Кўрғон фольклор мактабининг забардаст, алп вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли шундай оқинларимиздан биридир. Эргаш шоир замонамизнинг буюк достончиси, моҳир санъаткори, халқ орасида «Булбул» номи билан машҳур бадиҳагўй ижодкор эди. Бу улуғ халқ шоиридан бизга тўққизта анъанавий, иккита замонавий достон, бир достоннинг мазмуни, жуда кўп термалар, икки фотосурат, халқ бахшилари ва достончилик санъати ҳақида айтган ажойиб фикрлари ёдгорлик бўлиб қолди. Эргаш отанинг ўзи тўғрисида айтиб қолдирган мана бу байтларида асло лоф, муболаға йўқ, балки айни ҳақиқатдир:

Мен чечанман, ўзим сўзнинг устаси,
Мендан қолган катта шоир нусхаси.
Етти пуштим бари шоирга катта,
Уларнинг сўзининг йўқдир қисқаси...

Шоирнинг айтганича бор. Кўрғон достончилик мактаби уч асрдан кўпроқ вақт мобайнида суяк суриб келяпти. Ёдгор бахши, Жуманбулбул, Тилло кампир, Султон момоларнинг авлодлари ҳозир ҳам оқинликни давом эттириб келяптилар. Томирида бахши боболари қони жўш уриб, шеърлар ёзаётган Комил Синдоров айтганидек, Кўрғон заминида «Ҳатто қизғалдоқнинг бийрон тили бор, Кўрғоннинг бир эмас, кўп булбули бор». Уларнинг орасида, айниқса, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир, Раҳматулло Юсуф ўғли алоҳида ажралиб туради. Уларнинг дўмбираларидан таралган тароналар элимиз маънавиятини обод қилиб келмоқда. Эргаш ота XVII асрда ўтган Ёдгор бахши сулоласининг XX асрдаги зурёди эди.

Менинг отам Синдор — Қувондиқ бахшининг ўғли бўлган. У киши ўз давридаги бахшилар, халқ шоирлари ҳақида кўпгина қимматли хотираларни сўзлаб берган. Шулардан бир-иккитасини айтиб берай. Маълумки, Эргаш Жуманбулбул ўғли 1936 йилнинг охирларида Тошкентга келган. Халқ шоирлари билан бу ерда катта учрашувлар уюштирилган. Биринчи шундай анжуманда атоқли фольклоршунос олим Ходи Зариф уларни битта-битта таништириши керак эди. Бошлаб Пўлкан шоирдан: «Кимсиз, қаердансиз?» деб сўраган. «Мен Хатирчидан» деган бахши. Кейин булунғурлик Фозил Йўлдош ўғли, китоблик Абдулла шоирлар ўзини таништиришган. Навбат Эргаш бобога келганида, у дўмбирани қўлга олиб, куйлай бошлаган:

Районим Нурота тоғлар ораси,
Отим Эргаш Жуманбулбул боласи.
Қаридимми десам кўнглим қоласи,
Тобора ошади ёшдан ҳаваси...

Зални олқишлар, гулдирос қарсаклар тутиб кетган. Эргаш ота ана шундай чечан, бадиҳагўй бахши эди.

Эргаш бобо 1937 йилнинг апрелигача Тошкентда яшаган. Ходи Зариф ундан «Дали», «Хуш келди», «Равшан», «Қундуз билан Юлдуз» достонларини ёзиб олган.

Ходи Зариф Эргаш Жуманбулбул ўғлини Тошкент шаҳри бўйлаб олиб юриб, саёҳат қилдирган. Унинг «Тошкент таърифи» деган машҳур термаси ана шу саёҳат таассуротлари асосида яратилган. Бугун, мустақиллик даврида Тошкент деярли қайтадан қурилиб, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланмоқда. У ҳар куни бир чирой очяпти. Эргаш бобонинг:

Тошкент ободлиги ҳаддидан ошган,
Ўзбекистон Марказига ярашган.
Кўрмаганлар кўрса, ақли шошган,
Хўп қидириб, обдон билгали келдим

деган ажойиб сатрлари худди бугунги Тошкент ҳақида айтилгандай садо бериб турибди.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг Абдуҳалил деган укаси бўлган. Афсуски, у ўсмирлик ёшида оламдан ўтган. Отамнинг айтишича, у болалигидаёқ дўмбирани сайратиб чалган, ниҳоятда баланд хушовоз соҳиби бўлган экан. Бунинг устига, унинг ўткир хотираси ҳаммани ҳайратда қолдирган. Катталардан бутун-бутун достонларни бир эшитишдаёқ ёд олиб, давраларда эминэркин куйлаган. Эргаш ота «Кунларим» достонида эслаб айтганидай, у дўмбирада достонларни куйлаганда тингловчиларни оғзига қаратиб қўйган. Абдуҳалил 19 ёшида, тун алламаҳалда, катта бир даврада «Якка Аҳмад» достонини куйлаётиб, ҳушдан кетган. Абдуҳалил апрель-май ойларида кўз очмай ётиб июнь ойида вафот этган. Эргаш Жуманбулбул ўғли шундан кейин достонда нодир қобилиятли укасининг ҳаётдан ёш кетганлигини кучли дарду нолалар билан байтларга солади.

Отам — Синдор Қувондиқ ўғли Эргаш ота ҳаётининг сўнгги кунларига тааллуқли яна айрим воқеаларни айтиб берган эди. Эргаш Жуманбулбулни 1937 йилнинг апрелида Тошкентдан қишлоғига кузатиб кўя туриб, Ходи Зариф унинг қўлига 100 варақдан иборат йирик бир дафтарни берган ва поездга чиқариб қўйган. Эргаш ота ўз ватани — Кўрғон қишлоғига келиб, шу дафтарга достонлар ва тўқиган термаларини ёза бошлаган. Қисқа муддатда дафтарни тўлдирган. Кейин, 1937 йилнинг май ойи бошларида Тошкентга бориб, Ходи Зарифга шу дафтарни топширайин деб йўлга отланган. Кўрғон қишлоғидан чиқиб, йўл-йўлакай ошналариникига бир-бир кирган. Жизмон қишлоғида бўлган, кейин Пайшами қишлоғига ўтган. Пайшами қишлоғидаги биродарининг уйига Пўлкан шоир, Ислом шоирни ҳам таклиф этган. Қишлоқ аҳолиси ўртасида уч шоир достон ва термалар айтишган. Кейин улар Эргаш отани Каттақўрғонга кузатиб қўйишган. Май ойининг илк ёмғирли кунларида чопони ёмғирда ивиб Каттақўрғон вокзалига етиб келган. Аммо пули етишмаганми, проводник уни вагондан туширib қолдирган. Оқин шу ерда қаттиқ шамоллаб касал бўлиб қолган. Дафтар вокзалда йўқолган. Таниган-билганлар уни Кўрғонга кузатиб қўйишган. Аммо Эргаш ота йўлда ҳолсизланиб, Синдор амакисининг уйига бир амаллаб етиб олган. 5-6 май кунлари Синдор амаки, унинг сўровига биноан эшакка миндириб, Қўштамғали қишлоғидаги куёви Турдимникига олиб борган. Оқин шу қишлоқда бир ҳафта оғир ётиб, 1937 йилнинг 11 май куни кечаси вафот этган... Шу қишлоқ қабристонига дафн этилган.

Мен, аслида, мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаганман. Лекин Эргаш Жуманбулбул бобонинг ижодига болаликдан маҳлиё бўлиб келдим. Буюк оқинга шу туганмас меҳр-эътиқодим туфайли 70-йилларда бир хайрли ишга қўл урдим. Қўшработ, Хатирчи, Пайариқ, Иштихон туманларида бўлиб, Кўрғон, Қўштамғали, Қоракисса, Тепалик, Жўш, Оқ мачит қишлоқларини биттама-битта кезиб, Кўрғон достончилари яшаб ўтган даврлардан ёдгор бўлиб қолган осори атиқаларни — кийим-кечак, дўмбира, қўлёзмалар, тангалар, шунингдек, плакатлар, суратларни тўпладим. Уларнинг орасида Эргаш отага тааллуқли буюмлар — шоирнинг дўмбираси, қаламдони, Бухоро мадрасаларида ўқиган даврдаги сандиқчаси, чопони, кўрпа-ёстиқлари, кийган калиши, ўзи ясаган сандал, ов милтиғи, қўл тегирмони (ярғичоғи) ҳам бор эди. Шундай қилиб, уйимнинг битта хонасини Эргаш Жуманбулбул ўғли уй-музейи сифатида безатдим.

Ниҳоят, 1978 йилда Эргаш бобонинг 110 йиллиги нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан Кўрғонда уй-музей учун жой ажратилди. Катта музей биноси қурилди. Бисотимни у ерга кўчирдим. Атрофида турли мевали дарахтлар олиб келиб, боғ кўкартирдим. Шоирнинг Қўштамғали қишлоғидаги ҳоки кўчириб келтирилди. Боғда шоирнинг ҳайкали қад ростлади. Кўп йиллар шу музейда ишладим. Яна қанча қўшимча осори-атиқаларни тўпладим. Уларнинг сони 3 мингтадан ошиб кетди. Музей-йирик тарихий хазинага айланди. Ҳозирги кунда ёшим 70 дан ошганлиги сабабли, музейни ва унинг атрофидаги боғ назоратини келиним Саодат Синдоровага ишониб топширдим. Музейга келувчилар йил сайин кўпаймоқда.

2008 йилда Эргаш Жуманбулбул таваллуд топганига 140 йил тўлади. Шоир асарлари ватанимиз, халқимиз ардоғида. Унинг беш китобдан иборат «Булбул тароналари» асарлар мажмуаси нашр этилди. Буюк халқ шоирининг номи ва ундан қолган бадиий дурдоналар бундан кейин ҳам миллатимизнинг маънавий ривожига хизмат қилаверади. Элимизда Булбул тароналарига мафтункорлик ҳеч қачон сўнмайди.

Ойдин СИНДОР ўғли

Йил

«ТОВОҚСОЙ»ДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Тирик мавжудотни оғушига олган борлиқ мафтункор ва сирли. Унинг ажиб синоатлари эса хушманзара табиат қўйнида жойлашган пурвиқор тоғлар, юксак чўққилару сersув ва азим дарёларида мужассам.

Бўстонлиқ тумани маркази Ғазалкентда, аниқроғи — Чирчиқ дарёси соҳилида бунёд этилган "Товоқсой" республика сиҳатгоҳи нафақат уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ногиронларининг ҳам саломатлик марказига айланган.

Сиҳатгоҳ 340 ўринли бўлиб, бу ерда ҳар йили 6-7 минг одам асаб касалликлари, нафас тизими хасталиклари бўйича даволанишади.

— Шифо масканида 15 нафар шифокор ва 38 нафар ҳамшира фаолият юритади. Ҳозир сиҳатгоҳимизда 26 хил касалликни даволаш ишлари кенг йўлга қўйилган, — дейди директор Ҳикматулла Султонов. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 30 августдаги буйруғига асосан, сиҳатгоҳнинг масъул ходимлари, даволаш ишлари бўйича ўринбосарлар, катта ҳамшира ва ҳар бир бўлим шифокорлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига қарашли "Чинобод" ва "Оқтош" сиҳатгоҳларида амалиёт ўтаб қайтишди. У ерда тиббий фаолиятни такомиллаштириш ва ходимларнинг хизмат маданиятини яхшилаш бўйича мукаммал тажриба алмашилди.

Сиҳатгоҳ кейинги икки йил давомида янги ЭКГ "тобус-кварц" магнит ва лазер аппаратлари ҳамда бошқа кўплаб замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида даволаш ва ташхис қўйиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида 3 та янги тиббий аппарат келтирилди, 10 га яқин ходимлар малакасини ошириб келди.

Бу шифо даргоҳига келган беморлар қисқа вақт ичида дардларидан фориғ бўлиб кетишмоқда. 2005 йилда 3566 киши сиҳатгоҳга келган бўлса, ҳозиргача уларнинг сони 7 минг нафарга яқинлашиб қолди.

Сиҳатгоҳ фақат сўлим ва хушманзара бўлгани учунгина эмас, биринчи навбатда тиббий хизмат кўрсатишнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан ҳам қарияларга манзур бўлмоқда.

8-10 йилдан бери муттасил келадиган мижозлар анчагина. Ҳар гал улар бу ердан бир йилга етадиган куч-қувват, ғайрат олиб қайтадилар. Яратилган барча шароитлар кишини ҳам дардидан халос бўлишига, ҳам маънавий ҳордиқ чиқаришига кўмак беради. Айниқса, қўли енгил, бир-биридан хушмуомала шифокорлардан улар миннатдор. Дам олувчилар учун атрофдаги Чорвоқ, Хумсон, Оқтош ва Чимён зиёратгоҳларига қизиқарли саёҳатлар уюштирилади, концерт дастурлари намойиш этилади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилган. Жорий йилда теварак-атрофга 3000 тупдан зиёд манзарали дарахтлар, 2000 дона гул кўчати ва мевали дарахтлар ўтказилди. Сўнгги 2-3 йил мобайнида янги қозонхона, 550 ўринли янги ошхона ва маъмурият биноси тўлиқ таъмирланиб, 16 ўринли меҳмонхона ишга туширилди. Айни вақтда сиҳатгоҳ қошидаги фермада 22 бош қорамол боқиляпти. Келадиган даромад даволанувчилар дасхурхонини лаззатли таом ва тоғ ҳавосида пишган мевалар билан тўлдиришда асқотмоқда.

"Товоқсой"да халқ саломатлигини асраб авайлаш, парваришлашдек масъулиятли ва шарафли ишларга бош бўлиб, беминнат ёрдам кўрсатаётган инсонларни кўриб, шундай серфайз ўлкада яшаётганлигимиздан беҳад мамнун бўлдик.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

Тафсилот

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИ «ҚУЛАТГАН» МАХФИЙ ЁЗУВЛАР

Дунёда катта сиёсат каби нозик ва мураккаб соҳа топилмаса керак. Бу йўлга кирган одам ҳар бир сўзи, ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиш шарт. Чунки катта сиёсат вакиллари — давлат раҳбарлари, арбоблар ҳар доим омма нигоҳида бўлишади. Биргина айтилган ножўя сўз, биргина ташланган бежо қадам охир-оқибат сиёсатдоннинг обрўсини ерпарчин қилиши ҳеч гап эмас.

Яқиндагина Венгрияда рўй берган сиёсий инқироз — бутун мамлакатни қамраб олган норозилик чиқишларига ҳам мамлакат бош вазирининг биргина нутқи сабаб бўлди.

Ҳукуматнинг 2006 йил май ойида ўтказилган ёпиқ мажлисида Венгрия бош вазири Ференц Дюрчан мамлакатнинг ривожланиш ҳолатини қаттиқ танқид қилади. Бош вазир мажлис ёпиқлигини инобатга олиб, мамлакатдаги аҳвол хусусида ҳукумат раҳбарига хос бўлмаган кескин ва очиқ гапларни айтади: "Биз катта йўқотиш қилдик. Европанинг бирорта ҳам давлати биз каби аҳмоқона ишга қўл урмади. Аҳволни яхшилаш ўрнига эртаю кеч ёлғон сўзладик. Мамлакат иқтисоди фақатгина Яратганнинг илоҳий мадади, жаҳон иқтисодида пул вазнининг юқори бўлгани ва юзлаб фокуслар воситасидагина сақлаб қолинди". Бош вазир ёпиқ йиғиндаги ушбу очиқ баёнотни Венгрияда аҳволни яхшилаш мақсадида айтган бўлиши эҳтимол. Бироқ у ҳукумат таркибида мухолифлар ҳам борлигини бир лаҳза унутиб қўйди. Орадан ярим йилча вақт ўтиб, бош вазир нутқи махфий равишда ёзилган 25 дақиқалик плёнка Венгрия радиоси ходимлари қўлига "тасодифан" тушиб қолди. Радио ижодкорлари ҳам шов-шувли материални сақлаб ўтирмай, намойиш қилиб юборишди. Оқибатда, бутун мамлакатни қамраб олган норозилик намойишлари авж олиб кетди.

Венгрия бош вазири Ференц Дюрчан-ку, бир амаллаб ўз лавозимини сақлаб қолди. Бироқ тарихга бир назар солганда, махфий ёзувлар туфайли айрим давлат раҳбарларининг истеъфога чиқишга мажбур бўлганини ҳам кузатиш мумкин.

Махфий ёзувларнинг энг катта қурбони — Америка президенти Ричард Никсон. "Уотергейт" номи билан машҳур бўлган можаро ҳақида кўпчилик газетхонлар хабардор. 1970-йилларда Қўшма Штатларда кучайиб кетган сиёсий курашлар даврида Ричард Никсон мухолифлари — демократларга қарши курашнинг ноқонуний йўлини танлаган эди. Ўшанда президентнинг буйруғи билан демократларнинг "Уотергейт" меҳмонхонасида ўтаётган йиғинини тинглаш учун махфий ускуна ўрнатилган эди. Мухолиф кучларнинг сиёсий режаларини бамайлихотир тинглаган Ричард Никсон айни шу қилмиши сабабли яқин кунларда ишдан кетишини кутмаганди. Бироқ "Вашингтон пост" газетасининг тиниб-тинчимас мухбирлари Боб Вудворд ва Карл Бернштейн текширувлар орқали президентнинг жиноий ҳаракатини фош қилишди. Пировардида махфий ёзувлар туфайли Ричард Никсон муддатдан олдин истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Орадан чорак асрча вақт ўтиб шунга ўхшаш воқеа Украинада рўй берди. Тарихга "Кучмагейт" номи билан кирган можаро Украина президенти Леонид Кучьманинг махфий сўзлашувлари билан боғлиқ. Гап шундаки, президент қўриқчиларидан бири давлат раҳбарини муҳофаза қилишдан ташқари унинг ҳукумат мансабдорлари билан суҳбатларини ҳам ёзиб юрган.

Кейинроқ эълон қилинган махфий ёзувларда қайд этилишича, ўзини анчайин эркин ва дадил тутган, ҳаттоки сўкишлар билан суҳбатларни "бойитган" президент ўз қўл остидаги орган ходимларига мухолифатнинг илдизини қирқиш борасида жиддий кўрсатмалар берган. Ҳаммасидан ҳам Леонид Кучьма томонидан махсус хизматларга амалдаги ҳукуматга мухолифатда бўлган журналист — Георгий Гонгадзени йўқ қилиш ҳақида буйруқ берилгани ва шундан кўп ўтмай эркин фикрли журналистнинг қатл этилгани Украинада катта сиёсий инқироз бошланишига олиб келди. Ва, айтиш керакки, Леонид Кучьманинг мажбурий истеъфосига кўп жиҳатдан ана шу махфий ёзувлар сабаб бўлди.

Яширин ёзувлар "балоси"дан Европа раҳбарлари ҳам омон қолишмаган. Маргарет Тетчердан кейин Буюк Британияни идора қилган бош вазир Жон Мейжор мамлакати учун кўп эзгу ишларни қилган. Бироқ консерваторлар партияси етакчисининг ҳамма яхши ишлари у ёқда қолиб ҳозиргача инглизлар энг аввал унинг ўз яқин аъёнларини сўкканини эслашади. Европа Иттифоқи билан муносабатларда ўз қўл остидаги раҳбарлар билан келишолмаган бош вазир уларни беихтиёр ҳақорат қилганди. Кейинроқ маълум бўлишича, бош вазирнинг оғзидан чиққан нохуш сўзлар аудиотасмага муҳрланган экан.

Белорусь президенти Александр Лукашенко билан боғлиқ ҳодиса ҳам кўп муҳокамаларга сабаб бўлган. ОАВ ходимлари билан учрашган пайтида ҳар бир сўзи ёзилаётганидан бехабар Белорусь раҳбари Адольф Гитлер ўрганса ва тақлид қилса арзийдиган президент республикаси моделини яратгани ҳақида гапириб юборган эди...

Абдул СОБИР

Нигоҳ

ИРИНА АБРАМОВИЧ ХИЁНАТНИ КЕЧИРМАЙДИ

Россиялик миллиардер, Путиннинг эркатойи, Буюк Британия қироличасининг азиз меҳмони, "Челси" футбол клубининг соҳиби э-ҳе, яна аллақанча унвонлар эгаси Роман Абрамовичнинг хотини Ирина Абрамович эридан ажрашиш тўғрисида судга мурожаат қилди, деб хабар беради News of the World.

Мабодо Иринанинг адвокатлари мазкур фуқаролик ишида ютиб чиқса борми, жаноб Абрамовичга тегишли мол-мулкнинг нақ ярмига эга бўлади. Бу 5,5 млрд. фунт стерлинг дегани!

Оилавий можарога Роман Абрамович ва теннисчи Марат Сафиннинг собиқ севгилиси Дарья Жукова ўртасидаги ишқий муносабатлар сабаб бўлди, дейишмоқда адвокатлар. Абрамович 23 ёшли Жукова билан 2005 йилнинг февралидан буён таниш экан...

Эрининг мол-мулкидан ўзига тегишли қисмини судда ажратиб олиш учун Ирина Абрамович Британиянинг энг нуфузли Sears Tooth адвокатлик идораси вакиллари хизматидан фойдаланмоқда. Маҳкама яқин орада бошланиши айтилса-да, аниқ вақти номаълум. Хабарларда Роман Абрамович катта шов-шув ва жанжалдан кўра хотини билан келишиб ҳам қўйиши мумкинлиги айтилмоқда.

МОСКВАДА ЯНА БИР ҚОТИЛЛИК

16 октябрь тунида ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг иш бошқарувчиси Анатолий Воронин Москвадаги уйида сўйиб кетилган. Москва прокуратурасининг маълум қилишича, Воронининг жасадини Катта Кондратьевск кўчасидаги уйида унинг ҳайдовчиси топган ва воқеа ҳақида ҳуқуқ-тартибот идорларига хабар қилган.

Москва шаҳар милицияси вакиллари "Воронинга кўплаб маротаба пичоқ санчилган ва у ўша заҳоти ўлган", дейишмоқда. Воқеа жойида прокуратура ва милициянинг тезкор гуруҳлари иш олиб бормоқда. Терговчилар Воронининнинг қўшнилари орасида ҳам суриштирув олиб боришяпти. Шаҳар милицияси "Қотиллик борасида турли тахминлар айтиляпти. Аммо ҳозирча аниқ тўхтамга келинганича йўқ", деган маълумотни берди.

Москва прокурори ўринбосари Алексей Григорьевнинг айтишича, РФ ЖК кўра, 105-моддаси 1-банди ("Қасддан одам ўлдириш") билан жиноят иши очилган. «Тергов жараёнида қотиллик юзасидан мавжуд тахминлар ўрганилади. Аммо Воронин ўлимини касбий фаолияти билан боғлиқ деб баҳолашга ҳали эрта. Жиноят аломатларига қараганда, қотиллик шахсий адоватга кўра амалга оширилганга ўхшайди", деган журналистларга Григорьев.

Анатолий Воронин 23 йил мобайнида ИТАР-ТАССда ишлаган. 1999 йили президент Борис Ельцин фармони билан II даражали "Ватан олдидаги хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

ИСРОИЛ САМОЛЁТЛАРИ УРИБ ТУШИРИЛАДИ

Ливандаги тинчликпарвар кучлар таркибида хизматини ўтаётган француз ҳарбийлари қўмондонлиги Исроил ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари мамлакат ҳудуди узра учишни тўхтатмаса, уларни уриб тушириши ҳақида огоҳлантирди.

Бу ҳақда Исроил парламентининг махсус комиссияси олдида чиқиш қилган мамлакат мудофаа вазири Амир Перец маълум қилган. Шунга қарамай, Перец Исроил самолётлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1701-резолюцияси талаблари тўлиқ бажарилмагунига қадар парвозларни тўхтамаслигини билдирган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ЯДРО СИНОВИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Япония ва АҚШ Шимолий Кореяни навбатдаги ядро синовига тайёргарлик кўраётганликда айбламоқда.

Қўшма Штатларнинг фазодаги бир неча айғоқчи ҳарбий сунъий йўлдошлари Шимолий Кореяда 9 октябрь куни ядро синови ўтказилган деб тахмин қилинаётган ҳарбий базада жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини суратга олган.

Расмий Сеул ҳам қўшни давлатдаги ядро синови эҳтимолидан ташвишга тушмоқда. Душанба куни Вашингтон Шимолий Кореянинг ҳақиқатан ядро синовини ўтказганини расман тасдиқлади. Мамлакат осмонида ҳаводан олинган таҳлилларда радиоактив зарраларнинг борлиги аниқланган. АҚШ разведкаси Шимолий Корея 9 октябрь куни тадқиқ қилган ядро манбасининг кучини тахминан 1 килотоннага тенг деб ҳисобламоқда.

Эслатиб ўтамиз, 14 октябрь куни БМТ Хавфсизлик кенгаши КХДРга нисатан жазо чоралари борасида АҚШ таклиф қилган резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Резолюция талабларига мувофиқ, Шимолий Кореяга келадиган ҳар қандай экспорт маҳсулотлари жиддий текширувдан ўтказилиши белгиланган. Жаҳоннинг етакчи компания ва қурол-яроғ савдоси билан шуғулланадиган мамлакатларига Шимолий Кореяга оммавий қирғин қуроли яратишда ишлатиладиган асбоб-ускуна ва моддалар етказиш масаласида ҳамкорлик қилмаслик тавсия қилинган. Аммо КХДРга нисбатан жиддий иқтисодий жазо чоралари қўллаш тўғрисидаги бандлар резолюциядан олиб ташланди. Шундоқ ҳам абгори чиқиб ётган мамлакат аҳолиси Ким Чен Ир ҳукуматининг манманлиги ва такаббурлиги оқибатида очликка дучор бўлиши мумкинлигидан хавотирланган Россия мазкур ўзгартиришга эришди, деб хабар қилади AFP.

Эътироф

Турк ёзувчиси — Нобель мукофоти соҳиби

2006 йилги адабиёт соҳасидаги халқаро Нобель мукофоти турк ёзувчиси Ўрхон Памуққа берилди. Беш роман ва яна кўплаб насрий асарлар муаллифи бўлган Ўрхон Памуғ нафақат Туркия, бутун дунёда ном қозонган ижодкорлардан бири.

Нуфузли мукофотнинг адабиёт йўналишидаги бу йилги танлови қизғин ўтди. Нобель мукофоти учун Ўрхон Памуғдан ташқари америкалик Филипп Росс, исроиллик ёзувчи Амос Оз, сириялик шоир Адонис, польшалик журналист Ришар Капушчинский номзодлари илгари сурилганди. Охир-оқибат ғарбча қарашлари билан танилган турк ёзувчиси Швециядаги халқаро академия томонидан мукофот учун энг лойиқ номзод деб топилди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирга қадар мусулмон оламидан биргина Миср ёзувчиси Нажиб Маҳфуз адабиёт йўналишидаги Нобелни қўлга киритганди. Турк ижодкори Ўрхон Памуғ бу борада иккинчи шахс бўлди.

54 ёшли Ўрхон Памуғнинг дастлабки романи «Оқ қаср» уни дунёга машҳур қилган. Роман воқеалари XVII асрда Истамбулда кечади, асарда тарихий воқелик ва бадиий тўқима уйғунлигида инсон феъл-атворининг мураккаб жиҳатлари очиб берилган. Ёзувчининг «Менинг исмим — Қирмизи» ва «Қор» романларида ҳам ўтмиш ва бугун, Шарқ ва Ғарб, диний ва дунёвий жамият муаммолари қамраб олинган. Ўрхон Памуғнинг асарлари қирқдан зиёд тилга таржима қилинган.

Европа давлатларининг юксак эҳтиром ифодаси сифатида Нобель совриндори бўлган Ўрхон Памуққа ўз мамлакати — Туркияда жиноий иш очилган. Ўз асарларида ҳар доим ҳам зиддиятли муаммоларни қаламга олган ижодкор Биринчи жаҳон уруши даврида арманларнинг қириб ташланиши мавзусидаги талқини учун терговга тортилган.

«САФИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЙСИН»

"Тошкент шаҳар тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси" — бу нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан танишиш мақсадида офисига борганимизда бизнес семинари ўтказилаётган экан. Семинар иштирокчиларининг гапларидан маълум бўлдики, бу галги тадбир ишбилармонларга имтиёзли кредитлар ажратиш ва шунга оид муаммоларга бағишланган. "Микрокредитбанк" департаменти, Республика марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси, Акциядорлик тижорат "Ипотека" банкининг меҳнат филиали раҳбарлари ва мутасадди ходимлари берган тегишли маълумот ва маслаҳатлар семинар қатнашчиларини бефарқ қолдирмади. Бир қарашда шунчаки расмиятчилик учун ўтказилаётгандай туюлган семинар қизғин тус олди. Шу нарса аён бўлдики, айнан мазкур мавзу юзасидан тадбиркор аёлларни қийнаётган муаммолар ҳали талайгина экан.

Кимдир таклиф билдиряпти, кимдир савол беряпти.

— Бу бирлашмага аъзо бўлиш сизга нима берди? — деган савол билан семинардан чиққан якка тадбиркор Мунаввар Усупжоновага мурожаат қилдик.

— Тошкент шаҳар тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмасига ташкил этилгандан бери аъзоман. Ташкилот энди оёққа тураётган тадбиркорларга жуда катта ёрдам беради. Бирлашма томонидан худди бугунгидай семинарлар: банк, солиқ, ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан учрашувлар узлуксиз равишда ўтказилиб турилади. Ва шу мажлислардан биз ўзимизга керакли бўлган барча маълумотларни, янгиликларни олишимиз мумкин. Қолаверса, соҳага тегишли чиқарилаётган қонунлар, қарорлар билан айнан шу ерда танишамиз.

Тошкент шаҳар тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси 2005 йили ўз фаолиятини бошлаб, бугунги кунда унинг 700 дан зиёд аъзоси бор. Бирлашманинг асосий мақсади ўз аъзолари бўлмиш ишбилармон ва тадбиркорларнинг муштарак манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш, ҳамкорлар излашга ёрдам бериш, бизнесни ривожлантириш ва тажриба алмашишларига кўмак беришдан иборат. Тошкент шаҳар тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ишбилармон аёлларнинг малакасини оширишдир. Ташкилот аъзоларининг касбий кўникма ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида мунтазам равишда семинар-тренинг ва ўқув курслари ташкил этилади.

Семинарлар Тошкент шаҳар туманларида, Хотин-қизлар қўмиталари раислари, туман ишбилармон, тадбиркор аёллар ҳамда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар божхона ва солиқ бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилади. Бирлашма аъзолари ушбу тадбирларда иштирок этиб, тадбиркорлик фаолиятидаги муаммолар юзасидан фикр алмашиб, мулоқотда бўладилар. Қолаверса, бирлашма бизнесга эндигина кириб келаётган тадбиркорларга бир қанча амалий ёрдамлар беради.

— Ҳали тадбиркорлик ҳақида умуман тушунчаси бўлмаган опа-сингилларимиз ҳам бизга мурожаат қилишади, — дейди бирлашма раиси Насиба Миродилова. — Уларни ўзлари истаган йўналишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тажрибали аъзоларимизга вақтинчалик бириктириб қўямиз. Шу тариқа янги аъзоларимиз иш кўникмаларига эга бўлишади, малака оширишади.

— Яна бир масала борки, — сўзида давом этди Насиба опа, — бу ҳужжатлар билан боғлиқ муаммо. Сир эмас, кўпчилик тадбиркорлик фаолиятини бошлаш иштиёқида юрган опа-сингилларимиз айнан шу масалада қийналишади. Шунинг учун бирлашма бундай аъзоларига алоҳида эътибор қаратади, кўмак беради. Сафимиз бундан-да кенгайиб, жамиятимизда тадбиркор аёллар кўпайишини истардик. Аёлларимиз нафақат келажак авлод тарбиясига масъул, балки ишлаб чиқаришда ҳам уларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда.

Суҳбат асносида атрофни кузатамиз. Илк эътиборни тортган нарса суратлар бўлади. "Мана буниси Римда, буниси Миср, анависи Париж, кейингиси Кореяда бўлса керак..." Шунга ўхшаш ўйлар ўтади хаёлдан. Расмларга изоҳ излаб қўлимиздаги маълумотларга кўз ташлаймиз: "Бирлашма халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Ташкилот аъзолари Швейцария, Франция, Англия, Австрия, Италия, Миср, Германия, Венгрия ва бошқа давлатлардаги ишбилармон аёллар билан тажриба алмашиш мақсадида бизнес-семинарларда қатнашиб, сертификатлар билан тақдирланганлар".

— Фаолият бор жойда ютуқлар ва камчиликлар ҳам бўлади. Сиз раҳбар сифатида айнан шулар ҳақида нималар дея оласиз?

— Шу пайтгача барча тадбиркорларни битта муаммо қийнаб келарди. Бу ҳам бўлса, ноқонуний текширувларнинг бот-бот ўтказиб турилиши эди. Кейинги пайтларда қонунчилигимиз бу борада бир қатор ҳужжатлар қабул қилди ва у ўз самарасини берди. Айтиш мумкинки, тадбиркорларимиз "бевақт" текширувлардан қутулаёзди...

Дарҳақиқат, республикамиз тараққиёт йўлида илгарилаётган бир пайтда аёлларимизнинг турли соҳалардаги фаолиятлари уларнинг жамиятдаги ўрнини оширмоқда.

Жамила АСҚАРОВА, Гулжаҳон НАМОЗОВА

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Матбуот

Кўпчилик сингари мен ҳам спорт турларидан футболга қизиқаман. Жаҳон ва Европа чемпионатлари, мамлакатимизда ҳамда жаҳоннинг кучли биринчиликларини қизиқиш билан кузатиб бораман. Айниқса, футбол статистикаси билан 25 йиллардан буён қизиқиб келаман. Қизиқарли футбол ўйинларини телевизор орқали томоша қилиш билан бирга, футболга оид материаллар ҳам берадиган «Эрудит» газетасини мунтазам равишда ўқиб бораман. Албатта, футбол оламидаги янгиликлардан хабардор бўлиш билан бирга, мен учун муҳим бўлган статистик маълумотларни ҳам тўплашга ҳаракат қиламан.

ГАЗЕТХОНГА ҲУРМАТ ШУ-МИ?..

Айрим футбол мухлислари томонидан газета ҳақида билдираётган илиқ, фикрларини маъқуллаган ҳолда ўзимнинг баъзи бир эътирозларимни ҳам баён этмоқчиман.

Мен аслида газетанинг 283-сонини (14.09.2006 й.) ўқиб, ушбу мақолани ёзишга мажбур бўлдим. Бироқ газета саҳифасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар келгуси сонда тўғриланар ёки шунга ўхшаш бирор изоҳ бериб ўтилар, деган мақсадда кейинги сонни ҳам кутишга тўғри келди. Афсуслар бўлсинки, олдинги йўл қўйилган хатолар ҳақида лом-лим дейилмади. Газетанинг 284-сони (21.09.2006 й.) ҳам мен эътироз билдирмоқчи бўлган хатолардан холи эмаслиги аён бўлди.

Масаланинг асосий томонига тўхталиб, ўзимнинг айрим фикр, мулоҳаза ва эътирозларимни факт ва далилларга асосланган ҳолда баён этсам. Шояд газета жамоаси мухлисларнинг ҳақли танқид ва эътирозларига ҳам газета саҳифаларидан ўрин бериб, келажакдаги ижод ва ишларида керакли хулосалар чиқариб олишса.

Миллий терма жамоамизнинг кўпгина ўйинчилари қатнашаётган Россия чемпионати ҳақида берилган маълумотларни ўқиб кўрган киши ҳайратдан ёқа ушлаши муқаррар. Газетанинг 283-сонини ўқир экансиз, тегишли навбатчи ёки мутахассислар томонидан масъулиятсизлик ва бефарқлик билан тайёрланганлигини кўриш мумкин.

Газетанинг 281 (31.08.2006 й.) ва 283-сонларида (21.09.2006 й.) Россия футбол чемпионати олий лигаси жадвали таққосланганда 16 жамоадан фақатгина 5 таси ҳақида тўғри маълумотлар қайд этилган. Диққатингизни айрим фактларга қаратмоқчиман. 18-турдан кейин «Спартак—Н» жамоаси 9-ютуқ, 6-дуранг, 3-мағлубият, тўплар нисбати 33-20, очкоси 33 та бўлса, 19-турдан кейин айнан шу жамоа кўрсаткичи 8-ютуқ, 4-дуранг, 7-мағлубият, тўплар нисбати 25-21, очкоси 28 та кўрсатилган?! Газета берган ахборотга қараганда, бир мағлубият учун жамоадан 5 очко олиниб, урган голлари 8 та кам қилиб қўйилган.

Хуллас, 11 та жамоа ҳақидаги маълумотларда чалкашликлар, жиддий хатоларни кўришимиз мумкин. Бундай статистик чалкашликларни Украина чемпионати ҳақида газетанинг юқорида қайд этилган сони ва ушбу саҳифанинг ўзида яна учратамиз.

Хусусан, «Динамо — Киев» жамоаси тўплар нисбати 5-турдан сўнг 16-3, 6-турдан сўнг 16-1 деб кўрсатилган. «Шахтёр» жамоаси тўплар нисбати эса 5-турдан сўнг 15-1, 6-турдан сўнг 17-4 деб нотўғри кўрсатилган.

Тўпурарлардан Элано /Шахтёр/ 5-турдан сўнг 4 тўп урган деб ёзилган, 6-турда «Шахтёр»-«Таврия» 3:0 голлар: Элано-43, Белик-52, Левандовски-67 ёзилган. Тўпурарларда яна Элано-4 тўп кўрсатилган. Хуллас, йўл қўйилган жиддий хатоларинг исботи сифатида ўша газета саҳифаларидан айрим нусхаларини қўшиб жўнатмоқдаман. Афсуслар бўлсинки, газетанинг 284-сони (21.09.2006 й.) ҳам хатолардан холи бўлмаган ҳолда чиқди. Бунда фақатгина айрим саҳифалардаги мен билган хатоларни айтиш билан кифояланмоқчиман.

Биринчидан, 2-саҳифадаги Ўзбекистон чемпионати олий лига жадвалида олдинги тур натижалари билан таққосланганда 7 жамоа, яъни «Машъал», «Қизилқум», «Андижон», «Тўпаланг» , «Бухоро», «Самарқанд-Д», «Шўртан» клублари ҳақидаги маълумотлар хато кўрсатиб ўтилган. Иккинчидан, УЕФА кубоги биринчи босқич дастлабки учрашувлари берилган 12 ва 21 саҳифаларда умумий олиб қаралганда 5 та жамоа учрашувларида тўп киритган футболчилар номлари қайд этилишининг ўзидаёқ жиддий хатоларга йўл қўйилган... Бу оддий бир газетхон сифатида «Эрудит» саҳифаларида ўқиган ва учратган юзлаб хатоларимдан бир шингил, холос.

Ҳурматли «Эрудит» ижодкорлари! Мен газетангиз саҳифаларида юқорида қайд этилган хато ва камчиликлар ҳақида бирор бир изоҳ, яъни тузатиш бериб, минг-минглаб газетхонлардан кейинги сонларда узр сўрайсизлар деб умид қилгандим. Эҳтимол мен танқидни бироз ошириб юборгандирман. Бироқ республика миқёсида 6500 нусхада чоп этилаётган газетада бундай хатоларга кетма-кет йўл қўйиш ачинарли ҳол бўлиб, миллионлаб футбол мухлисларига нисбатан ҳам ҳурматсизлик деб тушунаман.

Бозор ТУРДИБОЕВ,
Термиз шаҳри

Йўқлов

Мустақиллик шарофати билан республикамиз миқёсида гуркираб бўй кўрсатаётган уйғониш вилоятлар миқёсида ҳам баравж давом этмоқда. Эндиликда Зомин, Элликқалъа, Ақчакўлдаги ижодкорларнинг анъанавий учрашувлари қаторига Мингчинор мулоқотлари ҳам қўшилди. Ниҳоят, салмоқли ижодий салоҳиятга эга бўлган Қашқадарё воҳасида ҳам навқирон ижодий анжуман пайдо бўлди.

ҚАДРДОНЛАРИМ...

Хаёлимда Мингчинор мулоқотлари хотирасини жонлантирар эканман, беихтиёр бугун чин дунёга рихлат этган қадрдонларимни эсладим. Бугунги эътибор, шубҳасиз, уларнинг ҳам кўнгил истаги эди.

Тошкентда "Гулистон" журналида номдор журналист, кайвони инсон Шомурод Сиддиқов узоқ йиллар фаолият кўрсатди. У ижоддан ташқари ҳамкасблари орасида даврабоши, ғамхўр раҳбарлиги билан ном қозонди. Бирлашган нашриёт (ҳозирги "Шарқ") касаба уюшмасининг раиси сифатида барча журналистлар, алоҳида олинган ҳар бир ижодкорнинг кундалик турмуши, рўзғорининг аҳволи унинг доим диққат марказида турди. Касбдошлари аҳволидан хабардор бўлиш, уларга беминнат ёрдам унинг ўзгармас эътиқоди эди. Яхшиёмон кунингизда — тўй-маъракаларингизни бадастур ўтказишда асқотадиган ашёлар топишда ҳамиша мададкор бўлди. Ўша оғир замонларда бундай маҳсулотларнинг танқислиги, кўпда тортилиб, топилмай қолишини эътиборга олганда бу валломатлик нечоғлик улкан мурувват эканлигини бугун ҳис қилиш қийин эмас...

Деярли барча журналистларнинг устози, йирик назариётчи — адабиётшунос олим Очил Тоғаев — ТошДУнинг номдор профессорларидан эди. Бу зотнинг имтиҳон синовидан ўтган талаба пировардида атоқли журналист бўлиб етишиши тайин эди. Домланинг содиқ шогирди Ҳаким Сатторий таъбири билан айтганда, "ёлғиз дарахт" бўлган Очил Тоғаев ўз танқидий мақола ва китоблари билан ўзбек журналистикасига руҳ бағишлар, публицистика йўналишлари, бош мавзуларини белгилаб берарди. Қонида жанговарлик, курашчанлик ҳамиша кўпириб турган ижодкор мудом ўқланган милтиқдек жангу жадалга ҳозиру нозир эди. Ҳақиқат йўлидаги курашда баъзан нобоп одамларга шерик бўлиб қолса-да, ўз билганидан воз кечмасди. Очил Тоғаев ҳаёт бўлганида бу йил унинг 80 ёшлигини ўзи иштирокида нишонлаган бўлардик...

Дилбар инсон, ҳассос адабиётшунос, қомусий билимлар эгаси — бизнинг ва кейинги авлодларнинг меҳрибон устози Бегали Қосимовни эслайлик! У маъруза қилганида булбуллар уялиб ёнимизга келиб, самимий мулоқотда бўлишарди. Унутилган қадриятлар барқ уриб очиларди. Тингловчининг зеҳни, салоҳияти равшан тортиб, оддий одамлар зиёлига, олимга айланарди.

Домланинг вафотига бағишланган мақоламни мен "Сўнгги жадид, янги Насафий" деб атаган, устоз Озод Шарафиддинов ушбу таърифимни бир мақоласига иқтибос қилиб олганди. Янги маърифат, адабиёт, илмнинг сўнгги вакили бўлган устозимиз Бегали Қосимов бугун ўтмиш алломалар сафида, Касбида янги бир Насафий аллома бўлиб, ўз руҳи поки билан ижодкорки, олимки, қалам аҳлики бор, барчасини қўллаб-қувватлаб турибди...

Яна бир қомусий ижодкор ҳамкасбимиз — биз тенгдошларининг ғамхўр дўсти, одамохун Ғуломхон Ғафуров эди. У журналистика илмини устози Очил Тоғаевдан юқтирди. Амалиётчи матбуотчи сифатида газеталарда фаол журналистлик қилди. Кейинчалик ўз билим ва қобилиятини "тупроққа олиб кетмаслик" учун Тошкентнинг бир неча нуфузли институтларида доцентлик қилиб, талабаларга зарурий сабоқлар берди. Бу сиймода ҳам кайвонилик, даврабошилик, воизлик қобилияти юқори эди. У ўз ижоди, китоблари, илмий-адабий қамровининг кенглиги, тенгсиз зиёлилиги билан ҳаммамизни маҳлиё қилганди. Азбаройи шундай чароғон дўстга яқин туриш учун мен, Мурод Абдуллаев, Суннатилло Аҳмедов, Ўрол Ўтаев, Икромжон Отамуродов — қатор ижодкорлар, атайлаб, шаҳарнинг Юнусобод мавзесидан квартира олгандик. Қиёматлик дўстимиз ўғлининг уйланиш тўйи куни тўсатдан вафот этди. Дўстимиз исломий маърифатнинг республикамиздаги етакчи вакилларидан эди...

Санайверсак, эслайверсак булар сингари маърифатли, фозил, комил ижодкорлар сон-саноқсиз. Қашқадарё воҳаси нафақат қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, балки маънавий салоҳияти жиҳатидан ҳам мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши бугун кўпчиликка маълум. Вилоятда амалга оширилаётган тадбирлар эса имкониятларни юзага чиқариб, Ўзбекистонимизнинг умумий қўшиғини жарангдор оҳанг билан бойитишга хизмат қилади.

Маҳмуд САТТОРОВ,
ношир ва публицист

Қиёфа

ЯШАШ ҲИКМАТИ

Яшаш асли ижодкорликдир.
Б.Пастернак

Ижодда сир кўп, ҳикмат кўп. Сирлилиги, серҳикматлиги боис ижод мудом жозибадир. Аммо ижоддаги сирни илғаш, ҳикматни топиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. Шундай ақллар борки, умрини, вужудини ижодга бахш этади, минг ваҳки, ижоддаги сир ҳам, ҳикмат ҳам унга тутқич бермайди. Чунки жозибали ижод, ундаги сир, ҳикмат ақлга эмас, ижоддаги энг ҳайратли томон бу, кўпинча руҳга, қалбга юз очади. Файласуф, нафосатшунос олим, ёзувчи, драматург Тилаб Маҳмудов ижод сирларига руҳи, қалби орқали ошно бўлган, ижоддан жозиба, комиллик излаб ўз умрини ҳам жозибага, ибратга, намунага айлантирган замондошимиздир.

Тилаб Маҳмудов ҳаётни, тирикликни севувчи, улуғловчи, муаббадни яратувчи инсон шайдосидир. Ушбу инсон қалбида «Гўшт емаган бола» ҳикоясининг қаҳрамони Саидвали айтганидек, «Мен – инсонман. Инсондай яшашим керак. Чўпон таёғидан титрайдиган қўрқоқ молга ўхшаб эмас» деган нидо яшайди. У севишни ва севилишни истайди; у завқланишдан ва нафратланишдан қўрқмайди; у комиллик даргумонлигини билади, лекин уни излаб адашишдан ҳайиқмайди; у энг беозор жонзотга чўқинишга шай, бунинг учун эътиқодсизликда айбламаларига ҳам рози. У, бу энг ибратлиси, ер фарзанди, у ўзи туғилиб ўсган заминни севади, ушбу замин фарзандларининг қувончи ва алами, тўйи ва азаси, фазилати ва иллати унга ҳам таалуқлидир. Устоз инсонни янгидан кашф этгандай ёзади: «Инсон дунё ва охират ўртасидаги бепоён манзилда юргувчи карвонга ўхшайди. Манзил абадий, карвон ўткинчи бўлганидек, инсоннинг тани фоний, руҳи боқийдир. Руҳнинг боқийлиги инсоннинг дунё билан охират ўртасидаги йўлда топган маънавий мулкига боғлиқ» («Комиллик асрорлари». – «Адолат» нашриёти, 2006. – 19 б.). Ушбу маънавий мулк жамиятнинг ҳам мулкидир. Демак, инсоннинг инсон сифатида шаклланиши мутлақ унинг ихтиёрида эмас; ундаги фазилату иллатларга ўзи қандай масъул бўлса, ушбу фазилату иллатларнинг илдиз отишига жамият ҳам шундай масъулдир. Шундай диалектик боғлиқ масъулликлар бўлмаса, тириклик ва ҳаётнинг муаббадга дахлдорлиги ҳақида сўз юритишга ҳожат қолмайди.

Тилаб Маҳмудов ижодини таҳлил қилиш, объектив баҳолаш осон эмас. Биринчидан, у – олим. Олим қурумсоқ тадқиқот қонунларига, ақлу идрокнинг ҳиссиётни рад этувчи талабларига бўйсуниши даркор. Олимлик илмнинг қуруқ, беҳис мантиқий фикрлашига итоат этишдир. Илм ушбу талабининг бузилишига тоқат қилолмайди. Ҳиссиётга берилиш, сентиментализм, тавтология илмнинг душманларидир. Иккинчидан, Тилаб Маҳмудов – нафосатшунос, ёзувчи, драматург, яъни бадиий-эстетик олам вакилидир. Маълумки, бадиий ижод хаёлотни, фантазияни, ҳатто ғайриилмийликни севади. Илм билан бадият очиқдан очиқ бир-бирини рад этмаса-да, ҳар қайси ўзининг ички талабларига мувофиқ яшайди. Худди шу боис Тилаб Маҳмудов ижодини баҳолаш, барча қирраларини ёритиш мушкул. Баъзан, домла, қандай қилиб ушбу икки мунофий соҳаларни ижодига жо этди экан, деган саволга бораман. Жавобни эса у яратган бадиий образлардан оламан.

Тилаб Маҳмудов ўзбек нафосатшунослигини илм даражасига кўтарган, бу борада илк тадқиқотлар ўтказган, илк монографик асарлар, қўлланмалар ёзган олимдир. Йигирмадан ортиқ таниқли мусаввирларнинг ижоди ва асарларини синчиклаб ўрганган, уларни кенг ўқувчиларга етказган ҳам Тилаб Маҳмудовдир. Домла мусаввирлар ижодини ва асарларини фақат олим, тадқиқотчи эмас, шу билан бирга қалби, руҳи нафосатга муштоқ, диди, зеҳни нафис, ўй-хаёли бетакрорликка, илоҳий комилликка йўналган ёзувчи-мутафаккир сифатида таҳлил этади. У бетакрор жозибага, илоҳий комилликка талпинган қалбини, руҳини дуч келган мусаввир ижодини ва асарини ўрганишга бағишлайвермайди, донишвор маҳдудотдан маънавий комиллик, етуклик излайди. Аслида ижод маънавий комилликка, илоҳийга етиш йўлидир. Илоҳий мавзулардаги рангтасвирлар, чизмалар руҳни жунбушга солади, улардаги ғайриҳаётийлик реаллик сифатида қабул қилинади. Гоҳо олдимизда шунчаки сурат, турфа ранглардаги символлар турганини ҳам унутамиз, чунки улар бизни илоҳийга яқинлаштиради. Илоҳийорларини тобора кўпроқ англаб етгани сари қалбини, вужудини, руҳини ва онгини такомил эттириб боради. Ана шу тариқа олами жисмоний билан олами руҳоний ўртасидаги муштараклик, уйғунлик юзага келади» («Комиллик асрорлари». –19 б.). Менинг ишончим комил Тилаб Маҳмудов илҳом чулғаб олганида ижодкорнинг маҳдудотни унутишини инкор этмайди. Буюк асарлар, дурдоналар ана шундай телбанамо изланишлар маҳсули эканини домла яхши билади. У рационал, яъни «олами жисмоний билан олами руҳоний»нинг уйғунлашиши тарафдори, мен эса ижодкор рационалдан ўзиши (инкор этиши эмас), ҳатто иррационалга берилиши ҳам мумкин деб биламан. Лекин ижодкорнинг рационалдан ўзиши умр бўйи давом этмайди. Тилаб Маҳмудовнинг бадиий асарлари («Оқар дарё оқмасмиди жимгина», «Омонат дунё» ва «Умр шомидаги бахт») унинг фалсафа, нафосатшунослик борасида изланишлари билан уйғундир. «Бадиий жанрда, — дейди домла, — фикрларни ифодалаш усуллари кенг. Кейинги йилларда бадиятга ишқим тушиб қолди». Аслида, донишвар бадият жозибасига ёшлигидан ошно, акс ҳолда у нафосатшуносликка меҳр қўймаган бўларди. Нафосатшунослик илм соҳаси ҳисобланса-да, унда илмий идрок бадиий тасвирларни руҳан англашга эргашиб келади; ҳатто хаёлот, тўқималар, фантазия илмий идрокни шакллантиради. Экзистенциал борлиқдан узилмаган жозибалар оламини яратиш имкони Тилаб Маҳмудовни нафосатшуносликка, бадиятга етаклаган. Лекин домла илм аҳли вакили эканини унутмайди. Шунинг учун унинг баъзи қаҳрамонлари аспирант, илмий ходим, илмга меҳр қўйган кишилардир.

«Папаша»синиг қаерда ишлашига қараб муомала қиладиган Қудратов («Папаша қаерда ишлайдилар?»), калтабин ва такаббур Абдуназар («Аспирант»), бадахлоқ, шумният Темур Турғунович («Автореферат»), мансабпараст Зоҳид Пўлатов («Муҳокама») каби кимсалар эса уларнинг антиподларидир. Улар ўртасида кураш, тўқнашувлар драматик воқеаларни келтириб чиқаравермаса-да, антиподларнинг маддоҳлик, мунофиқлиги ва мансабга эришиш ёки эришган лавозимини сақлаб қолиш учун ҳар қандай жирканч ишларга шай бадкорлиги нафрат уйғотади. Улар шунчалар таниш, шунчалар яқинки, гўё муаллиф сизни кўзингиз билан ён-атрофга тикилгандек ва сизни дилингиздагини гапираётгандек. Чала савод, нокор, лобагар «олим»ларнинг жиндек мансаб учун иймонини ҳам, инсонийлигини ҳам сотишга тайёрлигини кўриб беихтиёр "Ие, бу анаву фалонкасовку!" деб юборасиз...

Ижоддаги сир, ҳикмат ва жозиба яна шундаки, ижодкор бир дақиқа ёки бир кундан кейин қандай мавзу, қандай ўй-хаёл уни чулғаб олишини билмайди. У ҳатто яратажак ёки яратилган асарининг тақдири нима бўлади, севиб ўқиладими ёки бир китобхон ҳам тополмай маклатурага ташланадими, буни ҳам билмайди. Мавҳумлик ижоднинг ҳамсоясидир. Лекин ижодкор қалбида бир ишд бор, у — яратиш, мукаммалликка, илоҳийликка интилиш дардидир. Айнан ушбу ишд, ушбу дард Тилаб Маҳмудовга ҳам ором бермайди. «Дилга ўлим, танга тиним йўқдир, — деб ёзади у илму маърифат, маънавий баркамоллик излаб. – Таннинг тингани — ўлгани, дилнинг тингани боқийликнинг давомидир». Демак, инсон тирик экан комиллик йўлида тиним билмайди, инсон руҳига ўлим йўқ, у — абадий. Руҳнинг муаббадлиги туфайли инсоният – муаббад, ҳаёт – муаббад. Руҳ ҳеч қачон яратишдан, англашдан, боқийга талпинишдан тўхтамайди. Тўғри, бу руҳни субъективлаштиришдир, лекин унда руҳ билан инсон ўртасидаги уйғунлик, илоҳий яхлитлик таранну этилмоқда. Руҳ орқали аслида инсон улуғланмоқда.

Айрим ҳикояларини «ўзи учун» ёзгани ҳам сезилиб туради. Айрим асарларида, айниқса, илмий ходимларга бағишланган ҳикояларда бадиий-психологик тасвирлар етишмаслиги кўзга ташланади, лекин уларда ўқувчини ўйга солишга ва ўз кетидан эргаштиришга шай комиллик излаётган ижодкор руҳ мавжуд. Комиллик излаётган руҳ комиллик излаётганларга мададга келади, улар уйғунлашганида тобланади, илҳом келтиради, инсоннинг тилаклари ва саъй-ҳаракатларига мангулик бахш этади. «Инсон руҳи (дили, қалби) мисоли темирдир. Уни тоблаш ёки занглатиб қўйиш мумкин. Руҳнинг тобланиши илҳом келтиради, занглаши эса кўнгилни айнитади. Дилини тоблаб, ақлини чархлаган одамларгагина маънавият эшиклари очилади. Наинки инсон хаёллари, орзу умидлари ҳам аввал дил бағрида туғилиб, тасаввур беланчагида улғайиб, сўнгра ақл паноҳида кучга тўлади» («Комиллик асрорлари». – 19 б.). Ижодкорнинг руҳ, ақл, тафаккур, маънавият ҳақида кўп ёзиши бежиз эмас, айнан ушбу воқеликларда у инсон зийнатини, ахлоқий баркамоллигини, эру хотинниг жуфти ҳалол бўлиб илоҳий яхлитлик яратганини кўради. «Оила шарафи бўлинмайди, — деб ёзади домла «Ҳаётий ҳикматлари»да. – Эркак гуноҳи аёлни қаритади, аёл гуноҳи эса эркакнинг обрўсини тўкади. Хотин-эркакнинг иззати бўлса, эркак хотиннинг қисматидир». Баъзи ҳикматлари эса мақол бўлгудек: «Ғавҳар қадрин кўр билмас, Инсон қадрин гўр билмас». Ёки: «Илмли – илдам, илмсиз имиллагандир», «Кўлмак сувни тўплаб бўлмас, тўплаб бўлса ҳам ҳўплаб бўлмас».

Шу кунларда Тилаб Маҳмудов 70 ёшини нишонлаяпти. Бу озми кўпми? Уни Яратган билади. Руҳи, қалби нафислик, жозиба, комиллик излаган Инсон учун у оз, жуда оз, албатта. Аслида яшаш ҳикмати узоқ умр кўришда эмас, балки умрни қандай кечиришдадир. Тўғри, узоқ умр кўриш ҳам бахт, саодат, илоҳий неъмат, аммо яратиб, ҳаётни муаббадга айлантириб яшаш эса қўша бахт-саодат, қўша илоҳий неъматдир.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори

—Кечирасан, мушукжон, бизни роса бадном қилишди...

Мутолаа

БЕҒУБОР КУЛГИНИНГ ЗАВҚИ

Ижодкор-ношир Жаҳонгир Пирмуҳаммедовнинг "Ўзбекистон" нашриёти томонидан чоп этилган китобида муаллифнинг ўз ҳаёти, фаолияти давомида ҳамкасблари ва танишлари билан бўлиб ўтган кулгили ҳангомалар жам этилган. Ёзувчи ҳамкасблари феълатворлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларини синчковлик ва озгина қувлик билан кузатиб, илғаб олган ва кўрган-билган воқеа-ҳодисалар ҳақида бадиий завқ ва самимият билан ҳикоя қилади. Китоб қаҳрамонларининг кўпчилигини ижод аҳли танийди, билади, улар ҳаётидаги антиқа воқеалар, ҳолатлар тўғрисида кўпгина латифалар тўқилган. Масалан, улардан бири кўпчиликка таниш бўлган шоир Толиб Йўлдош. Доимо одми кийиниб юрган, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам оддий халқнинг бир вакили сифатида иш кўрган бу машрабнамо ижодкорнинг юриш-туриши, гаплари (гарчи у ўзини доим жиддий тутса ҳам) кулгили, завқли эди. Толиб ака ҳақида кўпгина ёзувчилар, жумладан, Носир Фозилов, Шодмон Отабоев ва бошқалар ҳам ҳикоялар ёзишган, латифалар тўқишган. Жаҳонгир Пирмуҳаммедов ҳам шоирнинг яқин кишиларидан бири сифатида бу "Толибнома"ни ўз ҳикоялари билан тўлдирган.

Мазкур китоб юқоридаги сингари тўпламлардан яна шуниси билан фарқ қиладики, ундаги ҳикояларнинг қаҳрамонлари фақат ёзувчиларгина эмас, республикамизга машҳур бўлган атоқли олимлар ҳамдир. Одатда фаннинг турли соҳалари билимдони бўлган бу инсонларнинг ҳаёти ва, айниқса, улар билан юз берган кулгили воқеаларни кўпчилик билмайди. Бу ҳақда ёза билиш учун эса ижодкордан ўткир кўз ва яхшигина бадиий маҳорат талаб этилади. Жаҳонгир ака бу ишнинг уддасидан чиқа олган ва у киши китобга киритган ҳангома-ҳикояларни ўқирканмиз, атоқли олимларимиз – Саъди Сирожиддинов, Убай Орипов, Ёлқин Тўрақулов ва бошқалар ҳаётида юз берган антиқа ҳолатлар билан ҳам танишамиз ва муаллифга қўшилиб кулямиз. "Ойбекнинг кулгиси" деб номланувчи ҳангома эса ўқувчида табассум билан бир қаторда замон ноҳақликларидан азият чеккан атоқли адибга нисбатан аччиқ ҳисларини уйғотади.

Китобга кирган ҳикояларнинг бир қисми муаллифнинг "Ўқитувчи" нашриётидаги кўп йиллик фаолияти давомида таниган, кўрган-билган ҳамкасблари, маҳалладошлари ва дўстлари ҳақидадир. Гарчи кўпчилик китобхонлар улар билан нотаниш бўлса-да, ҳангомаларни ўқиш давомида бу самимий ва кўнгли кенг инсонларни билиб олишади ва уларнинг антиқа хатти-ҳаракатлари, қилмиш-қидирмишларидан огоҳ бўлиб маза қилишади. Оддий кишилар ҳаётини бу қадар зийраклик билан кузатиб, арзимагандай туюлувчи воқеа ва ҳодисалардан, деталлардан кулги чиқара олиш муаллифнинг катта ҳажвий-юмористик истеъдодидан дарак беради. Тўпламга шу билан биргаликда айрим латифалар, лофлар, масаллар ҳам киритилган, бу жанрий хилма-хиллик китобни тўлдириб, ҳам мазмун, ҳам шакл томонидан ранг-баранг бўлишига хизмат қилган. Китобга сўзбоши ёзган истеъдодли олим ва ношир Маҳмуджон Сатторов таъкидлаганидек, "Алломалар ҳақида ҳангомалар" билан танишгач, ҳаётсеварлигингиз, бадиий-ҳажвий завқингиз ортиши турган гап.

Хуллас, ёзувчи Жаҳонгир Пирмуҳаммедовнинг ушбу асарини топинг, ўқинг ва масза қилиб кулинг. Китоб шунга арзийди.

М. ХУДОЙҚУЛОВ,
ёзувчи

Мусобақа

Шу йилнинг 26 октябрь — 6 ноябрь кунлари "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил ижро этиш ҳамда журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари таҳририяти совғини учун Республика журналистлари ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича 2-анъанавий турнир ўтказилади.

Ғолиблар, совриндорлар, яна 11 та номинация бўйича энг яхши топилганлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланадилар.

1-ўрин: Кубок ва олтин медаль, махсус диплом, пул мукофоти.
2-ўрин: Кубок ва кумуш медал, махсус диплом, пул мукофоти.
3-ўрин: Кубок ва бронза медал, махсус диплом, пул мукофоти.
4-ўрин: (томошабин меҳрини қозонган жамоа): махсус диплом, пул мукофоти.

МАЙДОНДА... ЖУРНАЛИСТЛАР!

Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган
2-анъанавий турнир

Шунингдек, қуйидаги 11 та номинация бўйича ҳам махсус диплом ва пул мукофотлари таъсис этилган:

1. "Энг яхши дарвозабон";
2. "Энг яхши ҳимоячи";
3. "Энг яхши ярим ҳимоячи";
4. "Энг яхши ҳужумчи";
5. "Энг яхши ўйинчи";
6. "Моҳир тўпурар";
7. "Энг ёш ўйинчи";
8. "Энг фаҳрий ўйинчи";
9. "Энг чиройли тўп муаллифи";
10. "Энг яхши ҳакам";
11. "Ғалабага бўлган иштиёқ учун".

Турнирни матбуотда, телевидение ва радиода мунтазам ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларига "Энг яхши ёритган журналист" номинацияси бўйича ҳам ҳомийлар томонидан 6 та махсус диплом ва пул мукофотлари белгиланган.

Турнирнинг матбуот ҳомийлари:
1. "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари.
2. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телеканали;
3. "Халқ сўзи" газетаси;
4. "Ўзбекистон овози" газетаси;
5. "XXI аср" газетаси;
6. "Hurriyat" газетаси;
7. "Наврўз" FM радиоси.

Мазкур турнир Тошкент шаҳридаги "Истиқлол" спорт мажмуи стадионида уюштирилади. Унда иштирок этишни хоҳлаган мамлакат оммавий ахборот воситалари жамоалари тегишли буюртмани (тўққиз нафар ўйинчи ва бир нафар мураббий шахсини ва иш жойини тасдиқловчи гувоҳномасининг нусхаси билан) "Спорт" газетаси таҳририятига 22 октябрга қадар етказишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67 а-уй.
Тел: 144-17-37, 395-39-49.
Факс: 393-19-59

Турнирга марҳамат!

Газетанинг навбатдаги сони 1 ноябрь чоршанба куни чиқади.

O'zingni anglab yet! HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 1255
Т: 2076
1 2 3 4 5